

ИМОМ БУХОРИЙ ХАЛҚАРО
ИЛМИЙ -ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ



«СУНАНИ ДОРИМИЙ»
КИТОБИДАН

ДУРДОНА
ҲАДИСЛАР



САМАРҚАНД – 2023

УЎК 28-25

17

КБК 86.38

Д 73

Қ. Маҳмудов, М. Амонов.

«Сунани Доримий» китобидан дурдона ҳадислар [Матн]: рисола. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, 2023. – 88 бет.

Ушбу халқчил рисолада Имом Доримийнинг “Сунани Доримий” асаарида зикр этилган илмнинг фазилати, одоб-ахлоқ, яхшилик, савдо-сотик муносабатлари ва сабрли бўлишга оид ҳадислар баён қилинган.

Китоб олимлар, мутахассислар, тадқиқотчилар ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

*Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг
2022 йил 9 сентябрдаги 03-07/6908-рақамли хулосаси
асосида нашрга тайёрланди.*

ISBN 978-9943-8535-2-2

© Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, 2023



КИРИШ

Бугун ислом илм-фани тарихи ва ҳадисшуносликка қизиқиш тобора ортмоқда. Бунда кейинги йилларда ислом илмларининг олтин даврида яшаган алломалар меросини ўрганишга кенг йўл очилгани муҳим омил бўлмоқда.

Мовароуннаҳрдан етишиб чиққан буюк аллома Имом Доримий тафсир, ҳадис фанлари ривожига катта қўшган. Унинг шоҳ асари бўлмиш “Сунан” фақат нодир мерос эмас, балки “Сихоҳи тисъа” – тўққиз ишончли ҳадис тўпламидан бири сифатида ғоят қадрлидир.

Имом Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ибн Фазл ибн Баҳром ибн Абдуллоҳ Абу Муҳаммад Тамимий Доримий Самарқандий 797 йили Самарқандда таваллуд топган. Бобоси Бани Тамим қабиласи мавлоси ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг котибларидан бири бўлган Дорим ибн Молик ибн Ҳанзала ибн Зайд Манот ибн Тамимга боғлангани учун алломага Доримий нисбаси берилган.

“Сияр аъломин нубало”, “Табақотул ҳуффоз” ва “Аълом” асарларида Имом Доримий Мовароуннаҳрнинг энг йирик муҳаддисларидан бири сифатида эътироф этилган.



Абу Қурайш муҳаддис ҳақида бундай дейди: “Мен Муҳаммад ибн Башшорнинг: “Дунёда тўрт буюк ҳофиз (жуда кўп ҳадис ёд олган муҳаддис) бор. Биринчиси – Абу Зуръа, иккинчиси – нишопурлик Имом Муслим, учинчиси – самарқандлик Абдуллох ибн Абдурахмон Доримий, тўртинчиси – бухоролик Имом Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий”, деганини эшитганман”.

Муҳаммад ибн Иброҳим Шерозий айтади: “Ибн Абдурахмон Доримий ақл-идрокда, дину диёнатда етук инсон эди. У зотнинг ҳадис ва турли дарсларни ёдлашдаги қувваи ҳофизаси, ҳалимлиги, комил мўминга хос ибодати, зоҳидлиги ва ҳадис илми соҳибига хос зийрак-билимдонлиги зарбулмасал бўлгандир”. Яна шу ровий: “Имом Доримийнинг ҳадис, тафсир, фикҳга оид ишлари Самарқанддалиқ пайтларидаёқ маълум ва машҳур эди. Сўнг Хуросонда, ундан кейин Шом, Ироқ, Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара ва Мисрдаги уламолар ҳузурида бўлиб, ҳадис, тафсир ва фикҳ илмларини ўрганган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни у зотнинг ҳадисларига кўшилган ёлғонлардан кўриқловчилар қаторида бўлиб, буюк муҳаддис, комил муфассир ва фақиҳ олим эди”, деб айтади.

Имом Доримий ҳаёти давомида бир қанча асарлар ёзган бўлиб, илмий-маънавий меросини “Муснад”,



“Тафсир”, “Жомиъ”, “Сулосиёт фил ҳадис”, “Китоб сунна фил ҳадис” ва “Китоб савмул мустаҳазот вал мутахаййирот” каби асарлар ташкил қилади. Алломанинг энг машҳур асари “Муснад” (луғавий маъноси – “Таянч” ёки “Санадли ҳадислар тўплами”) бўлиб, “Сунани Доримий” номи билан машҳур.

Имом Доримий 869 йили 75 ёшида вафот этган.

Буюк аждодимизнинг маънавий меросини оммабоп, халқчил тарзда кенг жамоатчиллик ва афкор оммага етказиш мақсадида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходимлари “Сунани Доримий” асари асосида “Сунани Доримий” китобидан дурдона ҳадислар” номли рисола тайёрлади. Унда 128 ҳадис жамланган.



“СУНАНИ ДОРИМИЙ”

Имом Доримийнинг энг машхур китоби “Сунани Доримий” бўлиб, уни Доримий асарларининг дурдонаси, жавоҳири деб аташади.

Абу Фазл Муҳаммад ибн Тоҳир Мақдисий (1056-1114) “Атрофул кутубис ситта” китобида Имом ибн Можанинг “Сунан”идаги ҳадислар беш “Саҳиҳ”дагилардан 1339 тага зиёдалигини ҳисобга олиб, уни олтинчи ўринга қўйган. Кейинги баъзи уламолар ҳам шунга қўшилган. Лекин Шайх Салоҳиддин Аълоий айтади: “Имом Доримийнинг “Муснад”ини Ибн Можанинг “Сунани” ўрнига қўйилса, энг маъқул иш бўлур эди”. Шайх Абулҳақ Дехлавий (1551-1642) шу фикрни ҳужжат билан исботлаб: “Баъзи уламолар фикр юритиб, Имом Доримийнинг “Сунани” олтинчи саҳиҳ китоб бўлиши афзалроқдир, негаки, бундаги ривоятлар иснодида заиф кишилар озлиги, инкор қилинган сўзлар камёблиги, иснодларнинг юқорилиги ва ҳатто сулосий (санади уч ровийли) ҳадислари Имом Бухорийнинг “Саҳиҳи”дагилардан кўпроқ эканини айтади”, деб таъкидлайди.

Имом Доримийнинг тўплами мусулмон кишининг шахсий ва ижтимоий ҳаётида учрайдиган кўплаб масалаларни ўз ичига олган кенг қамровли асардир.



Китоб фикҳий бобларга бўлиб ёзилганини, турли даража-мақомдаги (марфуъ, мавқуф, мактуъ) ҳадисларни жамлаганини эътиборга олиб, уламолар уни “Сунан” деб аташга хайрихоҳ бўлган. Шундай эсада, асарга берилган барча номлар унинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққани боис уларнинг ҳар бири ҳақли равишда ўринли ва тўғри эканини таъкидлаш керак.

Имом Доримийнинг “Сунан”ида Қуръони каримнинг 51 сурасидаги баъзи оятлар ҳадислар орқали шарҳлангани алломанинг етук муфассир ҳам бўлганидан далолат беради.

Бу “Сунан” бобларга ном бериш, баҳс-мунозарали ҳадисларга изоҳ ёзиш ва фикр билдириш усули, шунингдек, бошқа саҳиҳ тўпламларда учрамайдиган ҳадислар ривоят қилингани, ровийлар силсила-сининг қисқалиги билан алоҳида ажралиб туради. Эътиборга молик яна бир жиҳати шуки, унда ўн бешга яқин сулосий (санади уч ровийли) ҳадис мавжуддир.

“Сунани Доримий” икки жилддан иборат бўлиб, биринчисида арабларнинг исломдан аввалги баъзи одатлари, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратлари, ҳадисларнинг ёзилиш даври ва илм фазилати ҳақида сўз юритилган муқаддима, кейин ибодат, таҳорат, намоз, закот китоблари келтирилган. Иккинчи жилди рўза,



ибодат, қурбонлик, ов, егуликлар, ичимликлар, тушлар, никоҳ, талоқ, жазолар, ваъдалар ва қасамлар, савдо, изн сўраш, нозик масалалар, мерос ҳуқуқи, васиятлар, Қуръон фазилатлари каби китобларга бўлинган.

Асар 3465 ҳадисни ўз ичига олган бўлиб, жами 23 китоб, 1403 бобдан иборат.



“СУНАНИ ДОРИМИЙ” КИТОБИДАН ДУРДОНА ҲАДИСЛАР

ИЛМНИНГ ФАЗИЛАТИ

Ислом – илм-фан дини. Шу боис унинг инсониятга илк хитоби “Ўқи!” бўлган. “Илм” сўзи Қуръони каримнинг саккиз юз ўн бир жойида келгани ҳам бу фикрга тасдиқ бўлади. Айниқса, Аллоҳ таолонинг “Айтинг: “Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурми?!” Дарҳақиқат, фақат ақл эгаларигина эслатма олулар” (Зумар сураси, 9-оят) сўзлари ислом динида илм эгалари бошқалардан устун эканини билдиради. Қуйидаги ҳадисларда илмнинг нафақат жамият, балки бутун борлиқ учун манфаатли экани ва инсонларнинг икки дунёдаги саодатига сабаб бўлиши ўз ифодасини топган:

Зухрийдан ривоят қилинади: “Биздан олдин ўтган уламоларимиз: “Суннатни маҳкам ушлаш нажотдир. Илм жуда тез олиб қўйилади. Илмнинг тикланиши – бу дин ва дунёнинг мустаҳкамлигидир. Илмнинг кетиши – буларнинг барчаси кетиши демак”, деб айтар эди”.

* * *

“Эй Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи



васаллам! Энг илмли инсон ким?” деб сўралди. У зот: “Ўз илмига кўшиб, инсонларнинг илмини ҳам эгаллаган киши ва илмга чанқоқ барча толиби илм”, дедилар”.

* * *

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Илмли кишининг ибодатли кишидан афзаллиги менинг орангиздаги энг қуйи даражадаги кишидан афзаллигим кабидир”, дедилар. Сўнг: “Бандалари орасида уламоларгина Аллоҳдан кўрқурлар”¹ оятини тиловат қилдилар-да, “Албатта, Аллоҳ таоло, фаришталар, осмонлар ва Ер аҳли ҳамда денгиздаги балиқлар одамларга яхшиликни ўргатадиган кишига саловат айтади”, дедилар”.

* * *

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Кимки илм талабида йўл юрса, ўша иши сабабли Аллоҳ унга жаннат йўлини енгил қилиб қўяди. Амали сустлаштирган кишини насаби тезлаштира олмайди”², дедилар”.

* * *

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Илм икки тур бўлади: қалбга ўрнашган илм, шуниси фойдали илмдир; тилда бўладиган илм, буниси Аллоҳнинг Одам фарзанди зарарига бўлган ҳужжатидир”.

¹ Фотир сураси, 28-оят.

² Яъни, кишининг амаллари солиҳ бўлмаса, юкори насл-насаби уни жаннатга кирита олмайди.



Фойдали Илм Ҳақида

Илм эгаларига гамхўрлик қилган, ҳурматини жойига қўйган жамият албатта юксалишга эришади. Аммо илм ҳамиша ҳам фойдали бўлавермайди, баъзилари борки, беҳуда вақт сарфлашдан ўзга нарсани англамайди. Шу маънода, энг фойдали илм давр талабидан келиб чиқиб ўрганиладиганидир. Чунки инсоният унга эҳтиёж сезиб турган бўлади. Масалан, ахборот технологиялари соҳаси шиддатли ривож топгани тўғрисида инсоният бугун ҳар қачонгидан кенг имкониятлардан фойдаланмоқда. Пайгамбар алайҳиссалом: “Эй Аллоҳ! Мен Сендан фойдасиз илмдан паноҳ сўрайман”, деб бежиз айтмаганлар. Қуйидаги икки ҳадисда юқоридаги фикрларнинг ҳақлиги ўз ифодасини топган:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Фойдаланилмайдиган илм Аллоҳ йўлида инфоқ қилинмайдиган бойликка ўхшайди”**, дедилар”.

* * *

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Инсон вафот этса, унинг амали тўхтайдиган, лекин уч нарсадан: фойдаланиладиган илм, садақаи жория ва ҳаққига дуо қиладиган солиҳ фарзандидан давом этади”**, дедилар”.



ИЛМНИ ЁЗИШ БИЛАН МУСТАҲКАМЛАШ

Донишманд халқимизда “Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир” деган ҳикмат бор. Бу бежиз айтилмаган. Унинг замирида ўрганилган илмни қайдлаб боришга тарғиб ётади. Чунки инсон ёши ўтган сари хотираси сусайиб, тафаккури дармонсизлашиб боради.

Ҳасан ибн Али розияллоҳу анҳумонинг: “Ҳеч бирингиз бу илмни ёзишдан оғиз қолмасин. Чунки ёзмаликда зарар бордир. Ёзмаса, илм ундан кетади. Ёзиб олса, эсидан чиққанида мурожаат қилади”, деган сўзлари ҳам бунинг тасдиғидир.

“Анас ибн Молик фарзандларига: “Эй фарзандларим, бу илмни ёзиб мустаҳкамлаб қўйинг!” дер эди”.

* * *

“Амр ибн Абу Суфён Умар ибн Хаттобнинг: “Илмни ёзиш билан мустаҳкамлаб қўйинг”, деяётганини эшитди”.

ФАТВО БЕРИШДА ЭҲТИЁТ БЎЛИШ

“Фатво” арабча сўз бўлиб, саволга жавоб бериш деган маънони билдиради. Бугунги кунда берилган саволларга диний нуқтаи назардан жавоб бериш



фатво ҳисобланади. Диний илмга эга бўлмаган, Қуръони карим, ҳадиси шарифларни кўриб ёки шаръий масала китобларини ўқиб, улардан ҳукм ололмаган авом одам диний масалага дуч келганда, ўзидан билими юқори, фатво беришга салоҳияти бор, илмли кишидан, олимдан сўрайди. Яъни, илми йўқ киши илмли одамга мурожаат қилади.

Қуйидаги ҳадисларда киши билиб-билмай фатво беришининг оқибати оғир бўлиши таъкидланади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Сиздан фатво беришга журъатлироғингиз дўзахга журъатлироғингиздир”**, дедилар”.

* * *

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Кимга бирор далилсиз фатво берилса, унинг гуноҳи фатво берган кишининг гарданида бўлади”**, дедилар”.

ОЛИМЛАРГА ЭРГАШИШ

Ер юзида миллионлаб инсонлар яшаб ўтган. Аммо саноклиларнинг номларигина тарих зарварақларида мангуликка дахлдор. Улар ўз илми билан инсониятга бой илмий мерос қолдирган, ҳаётда ижобий ўзгартирилари ва қулайликлар яралишига йўл очган. Оят ва ҳадисларда илмни ўрганиб, ўзидан кейингиларга



етказганлар олқишланади. Жумладан:

Муовиядан ривоят қилинади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **“Аллоҳ кимга яхшиликни ирода қилса, уни динда фақиҳ қилиб қўяди”**, деб айтаётганларини эшитдим”.

* * *

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Минонинг этагида туриб: **“Мендан ҳадисларимни эшитиб, хотирасида сақлаб қолган, сўнг уни эшитмаганларга етказган кишини Аллоҳ хурсанд қилсин. Фикҳ (шариат илми)ни кўтариб юрган қанчадан қанча инсонлар борки, уларда фикҳ йўқ. Гоҳо киши фикҳни ўзидан кўра фақиҳроқ кишига етказди. Уч ҳолат борки, мўминнинг қалби уларга хиёнат қилмайди: амални холис Аллоҳ учун қилиш, бошлиққа итоат этиш ва жамоатни лозим тутиш. Зеро, уларни (жамоатнинг) дуолари химоя қилиб туради”**, дедилар”.

ЯХШИ ЁКИ ЁМОН ОДАТ ҚОЛДИРГАН КИШИ ҲАҚИДА

Динимиз таълимотида савоби доимий равишда етиб турадиган ишлардан бири илм экани таъкидланади. Илм йўлида қилинган амал ҳеч қачон зое кетмайди. Балки соҳиби илмнинг вафотидан кейин ҳам унга савоб етиб туради. Қуйидаги ва бошқа кўпгина ҳадисларда илм ўрганиши, инсонларни



тўғри йўлга чақирувчи бўлиш тарғиб қилинади. Шу билан бирга, инсонлар илмсизликдан, бошқаларни нотўғри йўлларга бошлашдан қайтарилади.

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Ким (ўзидан) бирор яхши одат қолдирса, ундан кейин унга амал қилинса, амал қилган кишининг савобидан бирор нарса камайтирилмаган ҳолда унга ҳам шунча савоб ёзилади. Ким бирор ёмон одат қолдирса, уни қилган кишининг гуноҳидан бирор нарса камайтирилмаган ҳолда унга ҳам шунча гуноҳ ёзилади”**, дедилар”.

* * *

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Ким ҳидоятга чорласа, унга эргашган кишиларнинг савобича ажр берилади. Бу уларнинг ажридан бирор нарса камайтирмайди. Ким залолатга чорласа, унга эргашган кишиларнинг гуноҳича гуноҳ ёзилади. Бу уларнинг гуноҳидан бирор нарса камайтирмайди”**, дедилар”.

ҚИЁМАТДА НИМАЛАРДАН СЎРАЛИШИ ҲАҚИДА

Қиёматда инсон қанча яшаганидан қатъи назар, умрини қандай ўтказгани, ҳаёти давомида кимга қандай яхшилик қилгани-ю кимга қанча ёмонлик қилганидан сўралади. Шу боис донишманд



халқимизда “Одам қанча умр кўргани билан эмас, қандай умр кўргани билан баҳоланади”, деган ҳикматли сўз бор.

Куйидаги ҳадислардан ҳисоб-китобдан осон ўтишининг ягона чораси дунё неъматларини фақатгина яхшилик йўлида сарфлашдан иборат экани англашилади.

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Қиёмат куни банда тўрт нарсадан сўралмагунча, оёғи жойидан қимирламайди: умрини нимага сарфлагани, илмига қандай амал қилгани, молини қаердан топиб, қаерга сарфлагани, танаси билан қандай ишларни қилгани”**, дедилар”.

* * *

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизни уч нарсада: инсонларни яхшиликка буюриш, ёмонликдан қайтариш ва уларга суннатни ўргатишда энгилиб қолмасликни буюрдилар”.

НОЗИК ОДОБЛАР

Ислом инсонларни асл фитрати пок-покиза бўлган одамдек яшашга, онги, тафаккури, юксак ахлоқ-одоби билан бошқа мавжудотлардан ажралиб туришга тарғиб қилади. Бинобарин, унинг еб-ичиши, юриши-туриши, қўйингки, барча хатти-ҳаракат ва сифатлари баркамол бўлиши керак. Шу боис ислом



инсон ҳаётининг катта-кичик барча жиҳатларига эътибор қаратиб, ҳатто ўта маиший ҳолатларда ҳам қандай йўл тутилса, одамийликка муносиб келиши юзасидан таълим беради. Нафақат ўзини ҳурмат қилиши, балки ён-атрофдагиларга, табиатга яхши муносабатда бўлишни ўргатади. Қуйидаги ҳадисларда ана шундай одоблардан айримлари ҳақида сўз боради.

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Агар ҳожатга борсангиз, ҳожат ва пешоб қилишда қиблага юзланманг ва унга орқангизни ҳам қаратманг!”** дедилар”.

Сўнг Абу Айюб: “Биз Шом диёрига борганимизда, ҳожатхоналарни қиблага қаратиб қурилган ҳолда топдик. Биз (ҳожат)да қибладан бошқа томонга юзланишга ҳаракат қилар ва Аллоҳ таолога истиғфор айтар эдик³.

* * *

“Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳожатга кирмоқчи бўлсалар: **“Аллоҳумма инний аъзу бика минал хубуси вал хобааис** (Аллоҳим, Сендан эркак ва аёл жинларнинг ёмонлигидан паноҳ сўрайман)”, деб айтар эдилар”.

* * *

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳожатхо-

³ Саҳобалар ўша ҳолатда ўзидан ношаръий иш воқеъ бўлиб қолганидан кўрқиб, истиғфор айтар эди.



надан чиқсалар: **“Ғуфронака (Мағфиратингни сўрайман)”**, деб айтар эдилар”.

МИСВОК ОҒИЗНИ ПОКЛАЙДИ

Ислом – озодаликка гоят жиддий эътибор қиладиган шариат. Покликка тарғиб қилувчи оят ва ҳадислар ниҳоятда кўп. Покиза инсон ён-атрофидагиларни безовта қилмайди, уларга зарар етказмайди. Хушбўй ҳид таратган инсон ҳатто фаришталар наздида ҳам манзур ҳисобланади.

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Мисвок оғизни поклайдиган ва Раббни рози қиладиган нарсадир”, дедилар”.

ҚАБУЛ БЎЛМАЙДИГАН ЭҲСОН

Айримлар даъво қилганидек, ислом динида бойлик қораланган эмас. Албатта, ҳаром бўлмаса. Аксинча, ҳалол йўл билан мол-давлат орттиришга, уни ўзи ва оила аъзоларининг фаровон турмушига, жамиятдаги эҳтиёжманд инсонларнинг ҳаётини яхшилаш учун сарфлашга тарғиб этади. Абу Бакр Сиддиқ, Усмон ибн Аффон каби буюк саҳобаларнинг бой-бадавлат бўлгани уларнинг ҳаётлик пайти жаннат башоратига эга бўлишига монелик қилмагани бу фикрни тасдиқлайди. Қуйидаги ҳадис ана шу ҳақда:



“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Аллоҳ таоло таҳоратсиз намозни ва хиёнат (билан топилган бойлик)дан қилинган садақани қабул қилмайди”**, дедилар”.

НОПОКЛИК АЗОБГА САБАБ БЎЛАДИ

Мусулмон одам дуоларида икки дунё учун хайрлик баробарида қабр азобидан паноҳ ҳам сўрайди. Феълани ҳам шунга яраша ислоҳ қилади: имкони етганича ҳалол яшаш, одамларга яхшилик қилиши пайида бўлади, баданини нопокликлардан сақлагани каби, тилини ҳам одамларга зарар етказадиган иллатлардан тийиб юради.

Ҳақиқий мўмин-мусулмон бўлишни, олий мақомларга эришишни хоҳлаганлар қуйидаги ҳадиси шарифни яхшилаб ўрганиб, унга қатъий амал қилишга ҳаракат қилмоғи лозим:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икки қабр ёнидан ўтаётиб: **“Бу икки қабр эгаси қабрида азобланмоқда. Улар катта гуноҳ сабабидан азобланмаяпти. Улардан бири чақимчилик қилиб гап ташир, иккинчиси бавл (сийдик)дан сақланмас эди”**, дедилар. Шундан кейин бир хўл новдани олиб, синдирдилар ва ҳар бир қабрнинг бош томонига суқиб қўйдилар. Сўнг: **“Шояд шу**



икки новда қуриб қолгунча уларга (қабр азоби) енгиллатиб турилса!” дедилар”.

* * *

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Сиздан бирингиз уйқусидан уйғонса, қўлини уч марта ювмагунича идишга солмасин”, дедилар”.

ХАТОЛАРНИ НИМА ЎЧИРАДИ?

Инсон Аллоҳ таолонинг розилигига эришиши учун Унинг амрларини бажаришига, тақиқларидан тийилишига буюрилган. Инсон хатокор, Ҳақ таоло мағфиратлидир. Қуйидаги ҳадисда ана шу мағфиратга элтувчи асосий йўллардан бири баён қилинади:

“Абу Ҳурайра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: “Нима деб ўйлайсиз, агар сиздан бирингизнинг эшиги олдида бир анҳор бўлса-ю унда ҳар куни беш марта ювинса, айтингчи, унда кир қоладими?” деб айтаётганларини эшитди. Шунда улар (саҳобалар): “Унда кир қолмайди”, деди. Сўнг у зот: “Беш вақт намоз ҳам худди шундай. Аллоҳ таоло улар билан хатоларни ўчиради”, дедилар”.



МАСЖИДУЛ ҲАРОМ ВА МАСЖИДУН НАБАВИЙНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ

Маълумки, Ер юзида мавжуд барча динларнинг ўзига хос улуғ кунлари ва муқаддас жойлари бор. Бинобарин, исломнинг ҳам икки ҳайит, жума, ашуро каби улуғ кунлари, Масжидул ҳаром, Масжидун набавий ва Масжидул Ақсо каби муқаддас масканлари бор. Уларда адо этиладиган ибодатнинг савоби бошқа макондагилардан анча кўндир. Қуйидаги ҳадисда ана шу маъно ўз ифодасини топган:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Менинг масжидимда (Масжидун набавийда) ўқилган битта намоз бошқа масжидларда ўқилган мингта намоз кабидир. Фақат Масжидул ҳаром (Каъбатуллоҳ) бундан мустасно”, дедилар”.

ЖУМА КУНИНИНГ ФАЗИЛАТИ

Исломда жума кунларнинг улуғи, деб тавсифланади. Жума намозига боришдан аввал мусулмонлар риоя қилиши мақбул саналган айрим одоблар мавжудки, уларнинг барчаси кишини тозалikka алоҳида эътибор қаратишига ундайди. Чунки, одамлар жамоа бўлиб ибодат қиладиган бу кунда киши масжидга озода ва ораста бўлиб,



ўзига хушбўйликлар сепиб, тоза либослар кийиб бориши, саримсоқ ва пиёз каби ҳиди ўтқир ҳидли нарсаларни истеъмол қилишдан сақланиши ён-атрофдаги мусулмонлар ундан азият чекишининг олдини олади. Қуйидаги ҳадисларда покликка риоя қилган мўминларнинг кўпчилик бўлиб қиладиган дуоси ижобат бўлишига ишора бор:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Сиздан бирингиз жума намозига борадиган бўлса, ғусл қилсин”**, дедилар”.

* * *

“Мен (Абу Ҳурайра) Каъб билан учрашиб қолганимда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳадис айта бошладим, у эса нуқул Тавротдан гапиради. Ахийри жума куни қилинадиган зикр мавзусига етиб келдик. Шунда мен: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“У кунда бир вақт борки, мусулмон кишининг Аллоҳ таолодан яхшилик сўраб дуо қилиши ўша вақтга тўғри келиб қолса, Аллоҳ албатта унга сўраганини беради”**, деганлар”, дедим”.

ҲАЙИТ КУНЛАРИ ҚИЛИНАДИГАН АМАЛЛАР

Эътибор бериладиган бўлса, динимиз мўътадил бўлиб, мўътадилликни тарғиб қилади. Унда



буюрилган ёки тавсия қилинган амаллар замирида – хоҳ дунёвий бўлсин, хоҳ ухровий – инсон манфаатлари ётади. Мақсад бажарилган озгина амал эвазига улкан ажру савобга эришишдир. Қуйидаги ҳадисда ана шунинг белгиси зоҳир бўлади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Фитр (Рамазон) ҳайити куни (намозга) чиқишдан олдин таомланиб олардилар. Қурбон ҳайити куни эса (намоздан) қайтиб келиб, ўз қурбонликлари гўштидан емагунларича таомланмас эдилар”.

САДАҚАНИНГ ЯХШИСИ

Ислом ижтимоий дин бўлиб, худбинликни кескин қоралайди. Одам ўзи топган мол-давлатидан муайян бир қисмини эҳтиёжмандларга садақа, яъни савоб умидида хайр-эҳсон қилиши унинг дунё ва охират саодатига эришишига сабаб бўлади. Аммо бу ишни энг аввал ўз қарамогидагилар ва узоқ-яқин қариндошлардан бошлаши икки карра кўпроқ ажрга – ҳам хайр-эҳсон қилганлик, ҳам қариндошлик алоқаларини мустаҳкамлаганлик савобига мушарраф қилади. Мана бу ҳадисларда шунинг ифодаси намоён бўлади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:
“Садақанинг яхшиси – эҳтиёждан ортиғидан



қилинган садақа. Ҳар бирингиз ўз қарамоғидагилардан бошласин”, дедилар”.

* * *

“Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан садақанинг энг афзали ҳақида сўради. У зот: **“Кек сақлаб юрган қариндошга қилингани”**, дедилар”.

* * *

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Камбағалга қилинган садақа – битта садақа. Қариндошга қилинган садақа эса иккита: садақа ва қариндошлик алоқасини боғлаш (садақаси)”**, дедилар”.

ОИЛАСИГА НАФАҚА БЕРИШ ҲАҚИДА

Ҳар бир инсон нафақани ўз оиласидан бошлайди. Шунда меҳр-муҳаббат кучаяди, фаровонлик мустаҳкамланади. Нафақани ўз оиласидан бошлаш мўминнинг, оила олдидаги бошқа ҳақлар каби, инсоний бурчидир.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Мусулмон киши савоб умид қилган ҳолда ўз аҳлига нафақа берса, бу унинг учун садақадир”**, дедилар.



КЎП ФОЙДА ТОПИШНИ ИСТАГАН КИШИ НИМА ҚИЛИШИ КЕРАКЛИГИ ҲАҚИДА

Ислолдаги ҳар бир таълимот инсон манфаатларига хизмат қилади. Кўп емаслик, кўп гапирмаслик, кўп ухламаслик ва бошқа қатор кўрсатмалар мавжудки, донишлар ҳамиша одамларни уларга риоя этишга даъват қилган. Ҳозирги давр тиббиёти инсон саломатлиги учун бир қатор фойдалари борлигини тасдиқлаган эрта уйғониш ана шулардан биридир. Бу нарса ҳатто аجدодларимизнинг ўғитларида ҳам ўз ифодасини топган: “эрталабки уйқу ризқни кесади!” Демак, кунни мазмунли ўтиши ва баракали бўлишини, унинг давомида руҳан тетик ва жисмонан фаол юришни истаган киши эрта туришга одатланмоғи керак.

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Эй Аллоҳ, умматимнинг саҳарларига барака бергин!”** дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўшин юбормоқчи бўлсалар, куннинг аввалида юборар эдилар”.

У (Саҳр) савдогар бўлиб, хизматкорларини куннинг аввалида (тижорат учун) юборарди. Шунинг учун унинг моли кўпайиб кетган.



ТАОМЛАНИШ ОДОБИ ҲАҚИДА

Ислом дини, ҳар жабҳада бўлганидек, таомланиш борасида ҳам муайян одоб меъёрларини йўлга қўйган. Ёлғиз еганда ҳам, жамоат билан таомланганда ҳам уларга риоя қилиш инсон зийнاتини оширади. Жумладан, тановулни ризқ ато этган Парвардигорнинг номи билан бошлаш, емакдан сўнг шукрона келтириш, дастурхон атрофида кибр эмас, камтарлик билан ўтириш, кўпчилик бўлиб овқатланганда, бунинг ҳам ўзига яраша қоидаларига риоя қилиш ана шундай одоб-ахлоқ меъёрларидандир. Қуйидаги ҳадисларда бу хусусда гўзал тавсия ва кўрсатмалар мавжуд:

Умар ибн Абу Саламадан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: **“Аллоҳнинг исмини айтгин ва олдингдан егин”**, дедилар”.

* * *

“Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам таом еганларида ёки ичимлик ичганларида: **“Алҳамду лиллааҳи ҳамдан касийрон тоййибан мубарокан фийҳ, ғойро макфуурин ва лаа муваддаъин ва лаа мастағнан анҳу Роббанаа”**⁴, деб дуо қилардилар”.

⁴ Дуонинг маъноси: Аллоҳга кўп, пок ва мубарак, ношукрлик қилинмайдиган, ташлаб қўйилмайдиган, беҳожат бўлинмайдиган ҳамд бўлсин, (эй) Раббимиз!



* * *

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Шукр қилиб ейдиган киши сабр қилиб рўза тутган киши кабидир”**, дедилар”.

* * *

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Сиздан бирингиз таомланса, ўнг қўли билан есин ва ўнг қўли билан ичсин. Чунки, шайтон чап қўли билан ейди ва чап қўли билан ичади”**, дедилар”.

* * *

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам учта бармоқлари билан таомланардилар. Қўлларини яламасдан артмасдилар”.

* * *

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сут ичдилар. Чап ёнларида Абу Бакр, ўнг ёнларида бир аъробий бор эди. У зот ўзларидан қолган сутни ўша аъробийга бердилар-да: **“Ўнг томондан”**, дедилар”.

* * *

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Суянган ҳолда таом емайман”**, дедилар”.

* * *

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Бирортангизга хизматкори таом олиб келса, унинг ўзини ҳам ўтқазсин, агар бош тортса, (бир-икки лукма) узатсин”**, дедилар”.



ЧАҚИРИЛГАН ЖОЙГА БОРИНГ!

Меҳмондўстликнинг ўзига хос одоблари бор. Мезбон нон-туз, сув ва дам олиш учун жой таклиф қилиши, меҳмон уйнинг ҳар томонига олазarak бўлавермаслиги, мезбонни қийин вазиятга солиб қўймаслиги ва бошқалар шулар сирасига киради. Қадим-қадимдан ота-боболаримиз бу масалада ўта зийраклик билан иш тутган. Биров дастурхон ёзиб чақирган жойга, айниқса, тўй-маросимларга албатта борган. Чунки, унинг таклифига жавоб бериш биродарлик ҳаққи ҳисобланган. Аксинча, чақирилмаган жойга боришдан ўзини тийган. Мана бу ҳадисларда худди шу масалага урғу берилган:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Чақирилган жой (тўй-маросимлар)га боринг”**, дедилар. Абдуллоҳ (ибн Умар) рўздор бўла туриб, никоҳ тўйи бўлсин, никоҳ тўйидан бошқа бўлсин, айтилган жойга борарди”.

* * *

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Қайси бирингиз валиймага чақирилса, албатта борсин!”** дедилар”.

Абу Муҳаммад айтади: “Ҳаттоки ейиш вожиб бўлмаган киши ҳам бориши лозимдир”.



ДИН НАСИХАТДИР

Айрим жоҳил кимсалар даъво қилганидек, ислом жазоловчи эмас, жазога олиб келадиган ишларнинг олдини олувчи диндир. Шунинг учун унда ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқлари билан бирга, мажбуриятлари ҳам белгилаб қўйилган. Аллоҳнинг кўрсатмаларига холис амал қилиш, етарли илмга эга бўлмай туриб, оят ва ҳадисларини талқин қилмаслик, раҳбарнинг қонуний буйруқларига итоат этиш, ўзига раво кўрганни бошқага ҳам раво кўриши кабилар шулар сирасига киради.

Ибн Умардан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга: **“Дин насихатдир!”** дедилар. Биз: “Ким учун, эй Аллоҳнинг Расули?” дедик. У зот: **“Аллоҳ учун, Китоби учун, Расули учун, муслмонларнинг раҳбарлари ва жамоалари учун”**, дедилар”.

МЎМИН УЧУН ЛОЗИМ БЎЛГАН АМАЛЛАР

Худбинлик – номақбул сифат. Фақат ўзини ўйлаб яшайдиган киши одамлар қалбидан жой ололмайди. Ўзиничин мўмин-муслмон деб билган киши ўзгаларга яхшилик улашиб яшаши керак. Аллоҳга ва охиратга ишониш, ибодатнинг ўзигина кифоя эмас. Бошқа



шартлар ҳам бор. Жумладан, қўшниси оч бўла туриб ўзи тўқ юрмаслик, уйига келган кишини очиқ юз билан қарши олиб, иззат-икром билан меҳмон қилиши ана шундай талаблардан ҳисобланади. Донишманд халқимиз бежиз “Меҳмон – атои Худо” демаган. Қиёмат кунинсон биринчи бўлиб қўшнисидан сўралиши таъкидланган ҳадислар бисёр.

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, қўшнисини икром қилсин! Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, яхши сўз айтсин ёки сукут сақласин! Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, меҳмонини бир кеча-кундуз икром қилсин! Зиёфат уч кундир, ундан уёғи садақадир”.

Изоҳ: Меҳмон биринчи кун иззат-икром қилиниб, яхши таомлар билан сийланиши лозим. Иккинчи ва учинчи кунлари одатдаги кундалик таом билан меҳмон қилинади. Ундан сўнг меҳмонга тортиқ қилган таом садақа ҳисобланади.

* * *

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Қайси мусулмон бир оилага меҳмон бўлиб, маҳрум ҳолда тонг оттирса (яъни, унга ҳеч нарса берилмаса), ҳар бир мусулмон учун унга ёрдам қилиб, ўша оиланинг экини ва мол-мулкидан шу кечанинг егулигини олиб бериш вожиб бўлади”, дедилар”.



ТАОМНИНГ ЁМОНИ

Аллоҳнинг розилиги ва халқнинг меҳрини қозонаман, деган инсон қилмоқчи бўлган амалларини Унинг кўрсатмаларига мувофиқлаштириб боради. Ён-атрофдагиларга яхши муомала қилади. Шу боис дастурхон ёзиб таом улашмоқчи бўлса, фақат обрўли, бой-бадавлат одамларни чақириб, риёкорлик ва манманлик қилишдан қочиб ҳаракатини қилади. Нияти эҳтиёжманд кишиларнинг ҳожатини чиқариб, ҳам Ҳақнинг розилигини, ҳам халқнинг меҳрини топиш бўлади.

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади: “Таомнинг энг ёмони мискинлар қолиб, бойлар чақирилган валийма таомидир. Ким чақирилган жойга бормаса, Аллоҳ ва Унинг Расулига осий бўлибди”.

МЕЪЁРИДА ОВҚАТЛАНИШ

Ҳазрат Навоийнинг бундай ҳикмати бор:

Олдига қўйганни емак – ҳайвоннинг иши,

Оззига келганни демак – нодоннинг иши.

Бу икки сатрда исломда буюрилган одоблардан иккитаси ўз ифодасини топган. Оят ва ҳадисларда инсон кўп ейишдан, исрофгарчиликдан қайтарилган. Буларга риоя қилиш кишининг ўзига фойда. Очкўзлик



қилиб, ҳаётини фақат еб-ичиш билан ўтказиш оқил одамнинг иши эмас, албатта. Қолаверса, кўп ейишнинг инсон саломатлигига жиддий зарари борлигини тиббиёт ҳам тасдиқлаган. Шу маънода, қуйидаги ҳадисдан керакли хулоса чиқариш фойдадан холи бўлмайди:

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Мўмин битта ичаги тўлгунча ейди, кофир етти ичаги тўлгунча ейди”, дедилар”.

Изоҳ: Уламолардан бир гуруҳи ҳадиснинг зоҳирига кўра, “инсоннинг ичаги еттита: ошқозон, ўн икки бармоқли ичак, ингичка ичак, нозик ичак, кўричак, йўғон ичак, тўғри ичак, кофир очкўзлиги сабабли ана шу етти ичагига, мўмин эса қаноати туфайли битта ичагига еб-тўяди”, дейди.

Кўпгина олимлар: “Ҳадисдан мурод унинг зоҳирий маъносини шарҳлаш эмас, балки ботинида нима маъно борлигини аниқлашдир”, деб бир қанча мулоҳазаларни баён этган. Жумладан: “Мўминнинг дунёга зуҳди, кофирнинг дунёга ҳирси. Мўмин дунёни арзимас санагани боис бир ичаги билан, кофир дунёга ўчлигидан, етти ичаги билан ейди”, деб шарҳлаган.

Ҳадиснинг асл мақсади ҳақиқий ичак ёки ҳақиқий ейишни баён этиш эмас. Сон ҳам фақат муболаға учун ишлатилган. Мақсад – дунёга муккасидан кетмаслик, мол-дунё талаб қилишда ҳаддан ошмасликни тушунтириш. Шунинг учун дунёга муккасидан кетиш “ейиш” деб ифодаланяпти.

Олимлар яна: “Ушбу ҳадис мўмин ҳалол таомлар истеъмол қилиши, кофир эса ҳаром лўқма ейишига зарбулмасалдир”, деган. Баъзи уламолар: “Бу ҳадис мўминнинг қаноати, кофирнинг очкўзлигини баён этмоқда”, дейди.

Барча фикрлар моҳиятан бир-бирига яқиндир.

* * *



“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Бир кишининг таоми икки кишига етади. Икки кишининг таоми тўрт кишига етади. Тўрт кишининг таоми саккиз кишига етади”, дедилар”.

Изоҳ: Ҳадиси шарифдан маълум бўляптики, бир кишининг тўйғунича ейдиган таомини икки кишига кифоя қилади.

ЗАЙТУН ЁҒИНИНГ ФАЗИЛАТИ

Илм – икки дунё чироғи. Унинг манбаи китобдир. Китоб ўқиган одам ўқимагандан афзал бўлади. Саломатлик учун нималар фойдалию нималар зарарли эканини билиш учун ҳам илм керак. Жумладан, ҳадисларда қатор табиий неъматларнинг фойдали жиҳатлари кўрсатиб ўтилган. Мана бу икки ҳадис шулар жумласидандир:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Зайтун ёғини енг, уни нонхуруш қилинг ва уни (ўзингизга) суринг. Чунки, у муборак дарахтдан чиқади”, дедилар”.

ХУРМОНИНГ ФАЗИЛАТИ

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Хурмоси бўлган хонадон аҳли оч қолмайди”, дедилар”.



ТАОМДАН СЎНГ ҚЎЛ ЮВИШ ҲАҚИДА

Ислом дини ҳаётнинг барча жабҳалари қатори таомланиш ва уйқу билан боғлиқ одобларга алоҳида эътибор қаратади. Киши нима қилса ўзига фойдаю нима қилса зарар эканини ифодалаб берадиган кўрсатмалар жуда кўп. Жумладан, овқатланиб бўлгандан сўнг қўл ювиш ана шундай одоблардан биридир. Тиббиёт олимларининг фикрича, бунинг фойдали томонлари бисёр. Улардан бири шуки, қўлдаги ёғҳиди турли зарарли ҳашорат ёҳайвонларни ўзига жалб қилиши, бу эса инсонга азият етишига сабаб бўлиши мумкин. Қуйидаги ҳадисда уйқуга кетишдан олдин қўл ювиш тарғиб қилинган:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Ким қўлида овқат ҳиди билан ухласа, сўнг унга бирор нарса (касаллик) етса, ўзидан бошқани айбламасин!” дедилар”.

ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА БОҒДОРЧИЛИККА БАРАКА СЎРАБ ДУО ҚИЛИШ

Киши ҳалол меҳнати ризқ топиши улкан фазилатдир. Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда келтирилишича, “Ҳеч ким ҳеч қачон ўз қўли билан топган таомидан яхшироқ таом еган эмас”. Бу



ҳадисда пешона тери билан топилган мол-мулк энг пок, ҳалол ва афзал ризқлардан эканига ишора бор. Деҳқончиликнинг Одам алайҳиссаломга нисбат берилиши ҳам унинг қанчалик яхши амал эканини кўрсатади. Чунки, деҳқончилик улуг ажру савобга сабаб бўлади. Деҳқончилик қилиб мўл-кўлчиликка, бошқаларнинг ҳам ризқли бўлишига сабаб бўлиши қандай ҳам улуг савобдир!

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга биринчи пишган мева келтирилганда: **“Аллоҳумма баарик лана фи мадинатина ва фи самарина ва фи муддина ва фи соъина барокатан маъа барока”**⁵, деб дуо қилар, сўнг уни ўша ердаги болаларнинг энг кичигига берар эдилар”.

Изоҳ: Муд ўлчов бирлиги бўлиб, ҳажмда 0,84 литр, оғирликда 812,5 граммга тўғри келади. Соъ ҳажмда 3,330 литр, оғирликда эса 3,250 килограмм бўлади.

* * *

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Эй Аллоҳ, уларнинг ўлчов асбобларига барака бер, уларнинг соълари ва муддларига барака бер”**, дедилар”.

Изоҳ: Яъни, ушбу ўлчов идишлар билан ўлчанадиган маҳсулотларга барака сўралмоқда.

⁵ Дуонинг маъноси: “Эй Аллоҳим, шаҳримизга, меваларимизга, муд ва соъ ўлчовларимизга барака устига барака ато қилгин”.



РЎЗА ТУТИШНИНГ ФАЗИЛАТИ

Рўза нафс тарбияси, руҳ озукасидир. Аллоҳ розилиги учун рўза тутishi баднафслик, очкўзлик ва хасислик иллатларидан қутулишга олиб келади. Шунингдек, инсонни турли машаққатларга сабрли бўлиши ва неъматлар учун шукр қилишга ўргатади. Инсон шу тариқа охиратда буюк мукофотга эришади.

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам: “Қайси бир банда Аллоҳ йўлида Унинг розилигини истаб, бир кун рўза тутса, Аллоҳ унинг юзи билан дўзах ўртасини етмиш йил узоқлаштиради”, дедилар”.

ЭҲСОННИНГ ФАЗИЛАТИ

Хайрли ишларнинг улуғларидан бири эҳсондир. Холисона қилинган хайр-эҳсон нафақат эҳтиёжмандларни шод этади, балки янги йўл, кўприк, мактаб, кутубхона ё бошқа бир фойдали маскан шаклида юрт ободлиги учун ҳам хизмат қилади. Шунингдек, молу давлатимиз ҳам савоб ва дуолар сабабли янада кўпайиб, омонда бўлади.

Бир киши юганланган туя келтириб: “Бу Аллоҳ йўлида (эҳсон)дир”, деди. Шунда Расулуллоҳ



соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Қиёмат куни сенга ҳар бири юганланган етти юзта туя берилади”**, дедилар.

Изоҳ: Яъни, шунча миқдорда савоб берилади.

* * *

Абдуллоҳ ибн Буср айтади: “Отам онамга: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам учун таом тайёрлаб берсанг”, деди. Онам сарид пишириб берди. Отам қўли билан озгина кутинглар, деб ишора қилди-да, бориб у зотни чақириб келди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўлларини овқатнинг тепасига қўйиб: **“Бисмиллаҳ, деб олинглар”**, дедилар. Улар унинг атрофларидан олди. Таомланиб бўлишганда, **“Эй Аллоҳим, уларни раҳмат-мағфират қилгин ва ризқларига барака бергин!”** деб, улар ҳаққига дуо қилдилар”.

Изоҳ: Сарид – нон билан гўшт аралаштириб пишириладиган таом.

ЧЕГАРАНИ ҚЎРИҚЛАШ ФАЗИЛАТИ

Ватан мудофааси учун хизмат қилиш энг хайрли амаллардандир. Она юрт омон бўлса, халқ, элу юрт, оила хотиржамлик ва ҳаловатда бўлади. Ватанни асраб-авайлаш ва ҳимоя қилиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Усмоннинг мавлоси Абу Солиҳдан ривоят қилинади: “Усмоннинг минбарда бундай деяёт-



ганини эшитдим: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитган бир ҳадисни (шошилиб тез-тез) тарқалиб, кетиб қолишингизни ёқтирмаганим учун сиздан яшириб келдим. Ҳар бир киши ўзи учун тўғри деб билган нарсани ихтиёр қилиши учун энди уни сизга айтишни лозим топдим. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **“Аллоҳ йўлида (душман ҳужум қилиши мумкин бўлган чегараларда туриб) бир кун қўриқчилик қилиш, ундан бошқа манзилларда минг йил туришдан яхшироқдир”**, деяётганларини эшитганман”.

ДЎСТ ВА ҚЎШНИНИНГ ЯХШИЛАРИ ҲАҚИДА

Инсон жамият аъзоси сифатида ҳар доим ён-атрофдагилар билан муомалага зарурат сезади. Бусиз кишилик жамиятини тасаввур қилиб бўлмайди. Биринчилардан бўлиб дўст ва қўшнилари билан муносабатларни қарор топтириш ва ривожлантиришга, улар билан олди-бердини йўлга қўйишга эҳтиёж пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам уларга ҳамisha яхшилик қилиш зарур.

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:
“Аллоҳнинг наздида дўстларнинг яхшиси



ўз дўстига яхши муносабатда бўлганидир. Аллоҳнинг наздида қўшнилари яхшиси ўз қўшнисига яхши муносабатда бўлганидир”, дедилар”.

КИМ ХИЁНАТ ҚИЛСА...

Диний ва миллий қадриятларимизда хиёнат қаттиқ қораланган. Инсон бу иллат билан нафақат ўзи, балки яқинлари ва бутун жамиятга маънавий ва моддий талофат етказди. Баъзан ўзгаларнинг ҳаётига жиддий таҳдид тугдиради. Бунинг учун эса, охирада Яратганнинг азоби бордир.

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “(Ислолда) босқинчилик йўқ, хиёнат йўқ, ўғрилиқ йўқ”, деб (ушбу оятни ўқидилар): “Ким хиёнат қилса, қиёмат куни хиёнат қилиб олган нарсаси билан келади”⁶.

* * *

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Кимнинг руҳи уч нарса – кибр, хиёнат (жамоат молини яширинча ўзлаштириш) ва қарздан пок бўлган ҳолда жисмини тарк қилса, жаннатга киради”, дедилар”.

⁶ Оли Имрон сураси, 161-оят.



РАСУЛУЛЛОҲНИНГ ГЎЗАЛ СИФАТЛАРИ

Инсондаги улуглик ва камолот шаклларининг барчаси Пайгамбар алайҳиссаломда мавжуд бўлган. У зот илм, мулойимлик, сабр, шукр, адолат, ҳаққонийлик, таъмадан йироқлик, камтарлик, кечиримлилик, иффат, сахийлик, шижоат, ҳаё, одамгарчилик, камгаплик, оғир-босиқлик, меҳр-шафқат, ҳусни хулқ, яхши муомала каби юксак одобларнинг барчасини ўзларида жамлаганлар. Барча инсонлар ўзида ана шу сифатларни қарор топтиришига ҳаракат қилмоғи зарур.

Ибн Умар айтди: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан кўра (одамларга кўпроқ) ёрдам берувчи, сахийроқ, шижоатлироқ, нурлироқ ва покизароқ бирор кишини кўрмадим”.

* * *

“Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан бирор нарса сўралса, ҳеч қачон “йўқ”, демаганлар”⁷.

* * *

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўта ҳаёли инсон бўлиб, у зотдан бирор нарса сўралса, албатта берардилар”.

⁷ Бирор инсон муҳтожликдан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига нарса сўраб келганда, у зот ҳеч ҳам қурук қўл билан қайтармаганлар.



ЎТГАНЛАРНИ ФАҚАТ ЯХШИ ГАП БИЛАН ЭСЛАШ ҲАҚИДА

Одамлар орасида кимгадир туҳмат тошини отиш, ўтганларни ёмон сўзлар билан эслаш ҳолатлари учраб туради. Бу дунёни тарк этиб кетган одамни ҳақорат қилиб, ёмон ишларини тилга олиш нафақат марҳумни ҳақоратлаш, балки бир ёмонликни юзага чиқаришидир. Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этган одамни фақатгина яхши гаплар билан эслашни буюрганлар.

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Ўтганларни сўкманг! Чунки, улар қилган амалларига етишди”, дедилар”.

Изоҳ: Вафот этган кишининг орқасидан ёмонлашдан қайтарилган. Чунки, инсон оламдан ўтгандан сўнг шусиз ҳам дунёда қилган амалларига ҳисоб бераётган бўлади.

ЗУЛМДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Зулм – ҳаддан ошиш, ўзганинг ҳаққига тажсовуз қилиш, бировнинг моли, жони ва обрўсига ноҳақ равишда дахл қилиш маъноларини англатади. Зулм жамиятдаги адолатга хуруж ҳисобланади. Зулм бор жойда ривожланиш бўлмайди.

Абу Касирдан ривоят қилинади: “Абдуллоҳ ибн



Амрнинг Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳадис ривоят қилиб, бундай деяётганини эшитдим: **“Зулмдан сақланинг! Албатта, зулм қиёмат куни (бошингизга тушадиган) зулматлар(дан)дир!”**.

ТУРЛИ ФИРҚАЛАРГА ЭРГАШИШДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Диний билими ўта саёз, соддалар онгига фитна-фасод қўзғайдиган фикр ва гояларни сингдиришига уринадиган чаласавод кимсаларга эргашиб кетмаслиги учун ёшларни мудом тўғри йўлга солиш ва ҳушёрликка чорлаб туриши зарур. Соф ислоний эътиқодга эга бўлиш учун ўзимизнинг уламо ва манбаларимиз етарли. Эътиқод борасида уламоларимизга эргашсак, ҳеч қачон адашмаймиз.

Муовия ибн Абу Суфёндан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизнинг орамизда хутба қилиш учун туриб: **“Огоҳ бўлинг! Сиздан олдинги аҳли китоблар етмиш икки фирқага бўлинди. Бу уммат эса яқинда етмиш уч фирқага бўлинади. Етмиш иккитаси дўзахда ва (фақат) биттаси жаннатда бўлади!”** дедилар”.



ИТОАТ ВА ЖАМОАТНИ ЛОЗИМ ТУТИШ ҲАҚИДА

Ислом дини муслмонларга раҳбарга итоат этишини амр қилиб, ўзаро ихтилофдан, бўлинишдан қайтаради. Зеро, ихтилоф ва тафриқа инсонларни бир-биридан узоқлаштиради, адоват ва фитна пайдо бўлишига олиб келади. Ислом тарихида қанчадан-қанча мазҳаблар, фирқалар чиққан бўлса-да, фақат тўғри йўл тутган аҳли сунна вал жамоа XIV асрдан буён бардавом бўлиб турибди.

Абу Ражо Аторидий айтади: “Мен Ибн Аббос Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деганларини ривоят қилганини эшитдим: **“Ким амирининг ёқмаган ишини кўрса, сабр қилсин! Чунки, бирор киши жамоатдан бир қарич ажралган ҳолда вафот этадиган бўлса, жоҳилиятда вафот этган каби ўлим топибди”**.

ҲАЛОЛ ҲАМ, ҲАРОМ ҲАМ АНИҚДИР

Биринчи ўринда нима ҳалолу нима ҳаромлигини билиб олиш зарур. Шундан кейин шубҳали нарсаларни ажратиш осон бўлади. Шубҳали нарсани тарк этиш Аллоҳ белгилаган чегарага яқинлашишдан қайтаради. Инсон шу чегарадан



ўтса, қалби бузилишни бошлайди. Шунинг учун эзгу ишлар гамида умр ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Шаъбийдан ривоят қилинади: “Нўъмон ибн Баширдан эшитдим: “У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: “Ҳалол ҳам аниқ, ҳаром ҳам аниқдир. Иккисининг ўртасида шубҳали нарсалар бор. Одамларнинг кўпчилиги уни билмайди. Шундай экан, ким шубҳали нарсалардан сақланса, ўз обрўси ва дини учун покликни истаган бўлади. Ким шубҳали нарсаларга аралашса, ҳаромга аралашади. У худди чегара атрофида қўй боқиб, чегараланган жойга кириб қолишга яқин бўлган чўпонга ўхшайди. Ҳар бир подшоҳнинг (белгилаган) чегараси бордир. Огоҳ бўлинг! Аллоҳнинг (белгилаган) чегараси У ҳаром қилган нарсалардир. Огоҳ бўлинг! Албатта, жасадда бир парча эт бор. У тўғри бўлса, бутун жасад тўғри бўлади, бузилса, бутун жасад бузилади. Огоҳ бўлинг! У қалбдир”, деяётганларини эшитганман”, деди.

ПОКЛИК ҲАҚИДА

Ислом озодаликка жиддий эътибор қиладиган, поклик тушунчаси мукамал ифодасини топган ягона шариатдир. У кундалик ҳаёт ва фаолиятнинг



ҳар бир лаҳзаси ва жойида покликни қатъий талаб қилади. Албатта, ризқ ҳам нафақат ҳалол, балки покиза бўлиши керак. Зеро, нопок ризқ мўмин кишининг амаллари қабул ва дуолари ижобат бўлишига тўсқинлик қилади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Эй одамлар! Албатта, Аллоҳ таоло покдир ва фақатгина покни қабул қилади. Албатта, Аллоҳ таоло мўминларга расулларга буюрган нарсани амр қилди: “Эй пайғамбарлар! Пок (таом)лардан тановул қилингиз ва эзгу иш қилингиз! Албатта, Мен қилаётган ишларингизни билувчидирман”⁸ деди ва яна: “Эй имон келтирганлар! Биз сизларга ризқ қилиб берган покиза нарсалардан енглар!”⁹ деди”, дедилар. Сўнг зикр қилиб, бундай дедилар: “Бир киши сочлари тўзғиб, чангга беланиб, узоқ сафар қилади ва қўлларини осмонга чўзиб: “Эй Раббим, эй Раббим”, дейди. Ҳолбуки, егани ҳаром, кийгани ҳаром, ичгани ҳаром, ҳаромдан озиқлангандир. Шундай экан, қандай қилиб унга ижобат қилинсин?!” дедилар.**

Изоҳ: Мусулмон киши энг аввало ҳалол ризқ топиши ва оиласини ҳам ҳалолдан боқиши лозим. Аллоҳ таоло инсонга ҳалол ва пок нарсалар билан таомланишни буюрган. Динимизда мусофирнинг дуоси қабул қилиниши таъкидланган. Аммо баъзи ҳолатларда унинг ҳам дуоси қабул бўлмас экан. Ҳадисда шунга ишора қилиняптики, киши ризқу рўзи ҳаром касбдан топилган

⁸ Муъминун сураси, 51-оят.

⁹ Бақара сураси, 172-оят.



бўлса, ҳар қанча узоқ ва машаққатли сафарда мусофир бўлмасин, дуоси ижобат бўлмас экан.

ЯХШИЛИК ВА ГУНОҲ ҲАҚИДА

Ота-онага бўладими, яқинларга бўладими, ёру дўстларга бўладими – киши қилаётган муомаласидан кўнгли тўлса, демак, савоб иш қилаётган бўлади. Кўнгли тўлмаса ёки иккиланиб қолса, гуноҳ иш қилаётган бўлиб чиқади.

Вобиса ибн Маъбад Асадийдан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: **“Яхшилик ва гуноҳ ҳақида сўраш учун келдингми?”** дедилар. “Ҳа”, дедим. Шунда у зот бармоқларини жамлаб кўксимга (оҳиста) урдиларда, уч бор: **“Эй Вобиса, нафсингдан фатво сўра, қалбингдан фатво сўра!”** деб такрорладилар. **“Яхшилик – нафс хотиржам бўладиган ва қалб сокин бўладиган нарса. Гуноҳ – нафсга шубҳа соладиган ва қалбда иккиланиш пайдо қиладиган нарса. Инсонлар сенга фатво берса ҳам, фатво берса ҳам”**, дедилар”.

Изоҳ: Мўмин киши таквонинг муайян даражасига етгач, нафси хотиржам бўлади. Қалби ҳам сайқалланади. Ана шундай инсон нафси ва қалбидан фатво сўраб, сўнг амал қилиши лозим бўлади.



КАСБИ БИЛАН ТОПГАНИ ҲАҚИДА

Касб-ҳунар билан топиб ейилган нарса энг ҳалол таом ҳисобланади. Чунки киши меҳнат қилар экан, гирромлик, қаллоблик ва бошқа салбий хатти-ҳаракатлар ҳақида ўйламайди. Юрт келажаги ва фарзандлари камолоти учун қайғуриб, ҳаётини роҳатда ўтказди.

Ота ўз фарзанди олдида бошқалар ҳақли бўлмаган нарсаларга ҳам ҳақли бўлади, фарзанд ва унинг қўлидаги бор мол-мулк отаники ҳисобланади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Киши еган таомлари орасида энг ҳалоли покиза касб орқали бўлгандир. Фарзанди ҳам унинг покиза касбидандир”**, дедилар.

ТИЖОРАТ ҲАҚИДА

Савдогар бировнинг ҳаққини емаса, сўзига вафоли ва ростгўй бўлса, савдосида барака бўлади, охиратда эса суюкли бандалар билан бирга туради.

Яхшиликни истаган савдогар савдо ҳуқуқларини бузмайди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Бақиъ (қабристон)га чиқиб (у ерда тўпланган одамларга қарата): **“Эй тижоратчилар жамоаси!”** дедилар.



Улар бошини кўтаргач, у зот: **“Қиёмат куни тижоратчилар гуноҳкор ҳолларида жамланади. Фақат Аллоҳга тақво қилган, ваъдасига вафо қилган ва ростгўйлар бундан мустаснодир”,** дедилар”.

* * *

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Ростгўй, омонатдор тижоратчи пайғамбарлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан биргадир!”** дедилар.

* * *

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Бирингиз бошқанинг савдоси устига савдо қилмасин. Тижорат моллари бозорга кирмагунча уларга пешвоз чиқманг ва сунъий равишда (қиммат баҳо қўйиб) нархни ошириб юборманг!”** дедилар.

САВДОДА АЛДАШ ВА ЯШИРИШ ЙЎҚ

Ҳар бир касб эгаси ўз ишини сидқидилдан бажарса, одамларни алдамаса, ишига, жумладан, савдогар молининг айбини яширмаса, савдосига барака берилади. Муслмон киши хато қилиб қўйиши мумкин, аммо алдашга ҳаққи йўқ.

Ибн Умардан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадина бозорида бир егулик (буғдой, арпа, хурмо каби маҳсулотлар)нинг



олдидан ўтдилар. Унинг жозибаси у зотни ҳайратга солди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўлларини унинг ичига солиб, юзада бўлмаган бир нарсани чиқардилар. Кейин таом эгасини койиб: **“Мусулмонлар орасида алдаш йўқ. Ким бизни алдаса, у биздан эмас!”** дедилар”.

* * *

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Олувчи ва сотувчи ажралиб кетмагунича ихтиёрлидир. Улар рост сўзлаб, (ўз моли ҳақида) очиқ баён қилса, савдосига барака берилади. Агар ёлғон гапириб, (молининг айбини) яширса, савдосининг баракаси кетказилади!”** дедилар”.

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам алдамчи савдодан қайтардилар”.

ЭҲТИКОР – КУНДАЛИК ИСТЕЪМОЛ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТМАЙ, ҚИММАТ БЎЛИШИНИ КУТИБ САҚЛАБ ТУРИШ ҲАҚИДА

Одамлар кундалик истеъмол маҳсулотларини сотиб олиб, қиммат бўлишини кутиб сақлаб туришидан қайтарилган. Шундан фойда кўраман, деган киши хато қилган бўлади. Чунки, бундан келадиган фойда ҳаром йўл билан ҳосил қилинган бўлиб, унда барака бўлмайди. Аксинча, бундай ишни



қилган киши бу дунёда ҳам, охирада ҳам зиён кўради.

Маъмар Адавийдан ривоят қилинади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **“Хатокор кишигина эҳтикор қилади”**, деб икки марта айтганларини эшитдим”.

САХИЙЛИК ҲАҚИДА

Кимга мол-дунё берилган бўлса, уни кўпайтириб, босиб ётмасдан инфоқ-эҳсон, садақа йўлларида сарф қилиши керак. Саховат нажот йўлларидан биридир. Аллоҳ таоло сахийликни инсонларнинг энг яхши фазилатларидан санаб, бундай бандаларига охирада улкан ажр-савоблар бўлишининг хушxabарини берган. Яхшилик қилган инсон, ўзи билиб-билмай яхшиликни жорий қилаётган бўлади. Шунингдек, эл-юрт ва давомчиларига нақадар фойдали иш қилаётганини кўрсатиб беради.

Рибъий ибн Ҳирошдан ривоят қилинади: “Ҳузайфа уларга бундай сўзлаб берибди: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Фаришталар сиздан олдин ўтган бир кишининг руҳини учратиб: “Бирон яхши амал қилганмисан?”** деб сўради. У: “Йўқ”, деди. Улар: “Эслаб кўр-чи”, деди. У: “Мен одамларга қарз берардим ва қўл



остимдагиларга имконияти йўқ кишига муҳлат беришни, имконияти борига эса берганини олиб, қолганини ўтиб юборишни буюрар эдим”, деди. Аллоҳ: “Ундан (гуноҳларини) ўтинг”, деди”, дедилар”.

ҚИЙНАЛГАН ҚАРЗДОРГА ЁРДАМ БЕРИШ

Ҳаёт тақозоси билан ночор аҳволга тушиб, қарздор бўлиб қолган одамга ёрдам бериш улкан савобли ишдир. Киши қарздорни шошилтирмасдан муҳлат берса ё, иложи бўлса, кечиб юборса, қиёматда Аллоҳ таоло унга Аршининг соясидан жой беради. Чунки Ҳақ таоло қарз олган инсон билан биргадир. Унга яхшилик қилиш Яратганга хуш келади.

Рибъий Абул Ясардан ривоят қилади: “У: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **“Ким қийналган кишига муҳлат берса, ёки ўтса (қарзидан воз кечса), Аллоҳ уни (Аршининг) соясидан бошқа соя бўлмайдиган кунда соялантиради”**, деганларини эшитдим”, деди.

Қўлидаги битикка туфлаб, қарздорга: “Кетавер, у сенга”, деб айтди ва (ёнидагиларга) у қийналиб юрган киши эканини эслатиб қўйди.

* * *

Абу Қатодадан ривоят қилинади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:



“Ким қийналган кишига муҳлат берса ёки (қарзидан) ўтса, қиёмат куни Аршнинг соясида бўлади”, деяётганларини эшитдим”.

* * *

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Қарздор қарзини адо этгунича Аллоҳ у билан биргадир. Фақат у (қарз) Аллоҳ ёмон кўрган йўлда (олинган) бўлмаса”, дедилар”.**

ҚАРЗНИ ТЎЛАШ ЛОЗИМЛИГИ ҲАҚИДА

Қарз олган инсон доим уни қайтариши ҳаракатида бўлиши зарур. Зеро, унутмаслик керакки, Аллоҳ таоло унинг нияти ва саъй-ҳаракати тўфайли қарзининг адоси йўлларини пайдо қилади. Қодир бўла туриб, пайсалга солиши зулмдир. Қарздор ва ҳақдор ўртасидаги одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилинса, қарз олувчининг ҳам, қарз берувчининг ҳам ҳуқуқлари поймол бўлмайди, улар зарар кўрмайди ва бунинг ортидан ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳам келиб чиқмайди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Мўминнинг зиммасида (адо қилинмай қолиб кетган) қарз бўлса, унинг руҳи муаллақ қолади (яъни, неъматлардан тўсилган бўлади)”, дедилар.**



ОЛИНГАН НАРСАНИ ҚАЙТАРИШ ҲАҚИДА

Қайтариш зарур бўлган ҳар бир нарса омонатдир. Омонат – бу Аллоҳ таолонинг инсон зиммасидаги ҳаққи, атрофини ўраб турган борлиқнинг ҳаққи ва ўз нафсининг ҳаққидир. Шундай экан, бировларнинг молига, жонига тажовуз қилиш, моддийми, маънавийми, қайси кўринишда бўлишидан қатъи назар, бирор инсонга зарар етказиш, унинг тинчлигига хавф солиш ўзгаларга нисбатан хиёнатдир. Ҳамиша омонатни адо қилиш ҳаракатида бўлиш лозим.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Қўл олган нарсасини қайтармагунича у (олган нарсаси) унинг зиммасидадир”**, дедилар”.

* * *

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Сенга омонат берган кишининг омонатини адо эт! Сенга хиёнат қилган кишига хиёнат қилма!”** дедилар”.

ОБОДОНЛАШТИРИШ ҲАҚИДА

Ким ташландиқ, қаровсиз ерни ўзлаштириб, унга ишлов бериб, ҳайдаб, тозалаб, экин экса, боғ қилса, бу одамнинг ишига мадад кўрсатиш, барака бериш Аллоҳ таолонинг зиммасида бўлади. Ҳосилдан



инсонлар, ҳайвонлар ва қушлар еса, бу ўша инсоннинг номидан садақа бўлади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Ким ўлик ерни тирилтирса, унинг учун унда ажр бордир. Жонзотлар ундан егани эса унинг номидан садақадир”**, дедилар.

* * *

Жобир ибн Абдуллоҳ айтади: “Зайд ибн Ҳорисанинг аёли менга бундай деб сўзлаб берди: “Боғимда эдим, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдимга келиб: **“Эй Умму Мубашшир, бу (кўчатлар) ни мусулмон экдими ёки кофир?”** дедилар. Мен: “Мусулмон”, дедим. Шунда у зот: **“Мусулмон киши бир кўчат ўтқазса-ю ундан инсонлар, ҳайвонлар ёки қушлар ейдиган бўлса, (буларнинг ҳаммаси) унинг номидан садақа бўлади”**, дедилар”.

* * *

Саид ибн Зайд айтади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **“Ким бир қарич ерни зулм билан эгалласа, (қиёмат куни) устига етти қават ер юкланади”**, деяётганларини эшитдим.



ОДОБ ЖАННАТГА ЕТАКЛАЙДИ

Одамлар ўзаро меҳр-оқибат, ишонч ва ҳурматни қарор топтирса, миллий ва диний қадриятларни мустаҳкамласа, дунё ва охираги албатта обод бўлади.

Абдуллоҳ ибн Саломдан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага келганларида, одамлар у зотга пешвоз чиқиб: “Аллоҳнинг Расули келдилар”, деди. Уларга қўшилиб мен ҳам чиқдим. У зотнинг чехраларини кўрганимда, бу ёлғончининг юзи эмаслигини билдим. Мен у зотдан биринчи эшитганим: “**Эй одамлар, саломни ёйинг ва (муҳтожга) таом улашинг, қариндошлик риштасини боғланг, бошқалар уйқуда пайти сиз намоз ўқинг! Жаннатга саломат ҳолда кирасиз!**” деган сўзлари бўлди”.

ОДАМЛАРНИНГ БИР-БИРИДАГИ ҲАҚЛАРИ

Инсон токи ҳаёт экан, унда ўзгаларнинг, ўзгаларда унинг ҳақлари бўлади. Шу ҳақларни бажарган кишининг ҳаёти мазмун-моҳият билан бойиб, қилаётган ишларидан одамлар ўрناق олади. Бу билан эса ижтимоий муҳит ҳар томонлама яхшиланади.



Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Мусулмоннинг (бошқа) мусулмон олдидаги ҳаққи олтигадир: учратганда, салом беради; акса урганида, ташмит айтади (ярхамукаллоҳу ва яшфийк – Аллоҳ сенга раҳм қилсин ва шифо берсин, дейди); касал бўлганда, кўргани боради; чақирганда, ижобат қилади (тўй-маросимларга таклиф қилганда, боради); вафот этганда, жанозасида қатнашади; ўзи яхши кўрган нарсаларни унга ҳам раво кўради; ортидан ҳаққига дуо қилади”**, дедилар.

САЛОМНИНГ ФАЗИЛАТИ ҲАҚИДА

Катта-ю кичикка салом лафзини мукамал айтишида бошиқаларга нисбатан ҳурмат аломати мавжуд. Ислом шундан таълим берадики, киши салом-алик қилгани учун ҳам кўп савобга эришиши мумкин экан.

Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: “Ассалому алайкум”, деди. У зот алиқ олдилар ва: “**Ўн**”, дедилар. Сўнг бошқа киши келиб: “Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи”, деб салом берди. У зот алиқ олиб: “**Йигирма**”, дедилар. Сўнг яна бошқа бир киши келиб: “Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух”, деб салом берди. У зот алиқ олиб: “**Ўттиз (савоб)**”, дедилар”.



КИМ КИМГА САЛОМ БЕРАДИ?

Саломлашиши миллий қадриятларимизнинг ўзак белгиларидан ҳисобланади. Ўзбек халқи саломи билан бошқалардан ажралиб туради. Салом бериши билан киши савобга эга бўлади. Саломлашиши – бу шунчаки кўришиши эмас, балки динимиз тавсия қилган, савоби улуг амалдир. Қуйидаги ҳадисда саломлашиши одоблари ўргатилади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Уловдаги пиёдага, тик турган ўтирганга, озчилик кўпчиликка салом беради”, дедилар”.

БОЛАЛАРГА САЛОМ БЕРИШ ҲАҚИДА

Болаларга салом беришда катта ибрат ва тарбия нишонлари бор. Киши фарзандлари келажакда одоб-ахлоқли, таълим-тарбияли бўлиши учун уларга саломлашиши одобларини ёшлигидан ўргатиши лозим.

Сайёрдан ривоят қилинади: “Мен Собит Буноний билан бирга кетаётган эдим. У ёш болаларнинг олдидан ўтаётиб, уларга салом берди ва бундай деди: “Мен Анас билан бирга эдим. У ёш болаларнинг олдидан ўтаётиб, уларга салом берди ва бундай



деди: “Мен Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга эдим. У зот ёш болаларнинг олдидан ўтаётиб, уларга салом бердилар”.

АЁЛЛАРГА САЛОМ БЕРИШ ҲАҚИДА

Миллий ва диний қадриятларимизда аёлларни ҳурмат қилиш, уларни ардоқлашга алоҳида эътибор берилади. Уларга салом бериш тавсияси бунинг яққол мисолидир.

Бани Абдулашҳал қабиласининг аёлларидан бири бўлмиш Асмо бинти Язид ибн Сакандан ривоят қилинади: “Мен аёллар орасида эдим. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг олдидан ўтаётиб, салом бердилар”.

АЁЛЛАРНИНГ ҲУЗУРИГА РУХСАТСИЗ КИРИЛМАЙДИ

Ўзбек халқи ҳам миллий, ҳам диний қадриятларга асосан шарм-ҳаё масалаларига ўта назокат билан ёндашади. Хусусан, эркакнинг номаҳрам аёл билан ёлғиз қолиши ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган даражадаги хунук ҳолат бўлиб, кескин қораланади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Аёлларнинг ҳузурига уларнинг изнисиз кирманг!”



дедилар. Шунда: “Эй Аллоҳнинг Расули, қайноғадан бошқалар”, дейилди. У зот: **“Қайноға ўлимдир!”** дедилар”.

Изоҳ: Бу ҳадисда эркак киши номаҳрам аёл билан ёлғиз қолишдан қайтарилмоқда. Айниқса қайин-қайноға алоҳида таъкидланмоқда ва бу иш ўлим билан баробар экани уқтирилмоқда.

КИМЛАР ЛАЪНАТЛАНГАН?

Ислом ўзини аёлга ўхшатадиган эркак ва ўзини эркакка ўхшатадиган аёлларни лаънатлайди. Чунки, бу нафақат уларнинг, балки бошқаларнинг ҳам тарбиясини бузиб, одамгарчиликни йўқотади, қусур ва иллатларни кўпайтиради.

Ибн Аббосдан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзини аёлга ўхшатувчи эркак ва ўзини эркакка ўхшатувчи аёлларни лаънатладилар ва: **“Уларни уйингиздан чиқариб юборинг!”** дедилар”.

ЖАМОАТДА ЎЗГАЛАРГА ЭҲТИРОМ КЎРСАТИШ ҲАҚИДА

Ўтирган одамни ҳурматсизлик билан ўрнидан турғизиш унга нисбатан ҳақорат ҳисобланади. Кейин кириб келганларга орадан жой бериш, уларга ҳурмат белгиси бўлади.



Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Бирор киши биродарини ўтирган ўрнидан турғизиб, ўзи ўтириб олмасин. Лекин унга эҳтиром кўрсатинг ва орангиздан жой беринг!”** дедилар.

КЎЧАНИНГ ҲАҚҚИ

Ҳар бир нарсанинг ҳаққи бўлгани каби кўчанинг ҳам ҳаққи бор. Аввало, кўчада бекорчи бўлиб ўтириб олиб, ўтган-кетганни кузатиши яхши эмас. Мабодо бирор ким нимадир сабаб билан кўчада туриб қолса, адашганга йўл кўрсатиши, салом-алик қилиши, қийналиб қолганга ёрдам бериши каби эзгу ишларни бажаришига кўпроқ эътибор бериши лозим.

Бародан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўчада ўтирган ансорларнинг бир жамоаси олдидан ўтдилар. Шунда у зот: **“Бу ишни қиладиган бўлсангиз, (йўлдан адашиб қолганларга) йўлни кўрсатиб юборинг, саломни ёйинг ва мазлумга ёрдам беринг!”** дедилар.

АЛЛОҲ ЙЎЛИДА ДЎСТЛАШГАНЛАР

Аллоҳ йўлида дўстлашиши деганда, дунёдаги бор эзгулик учун бирлашиши, ёмонликдан сақланиши ва бошқаларни ҳам қайтариши назарда тутилади.



Шундай йўл тутган киши нафақат Аллоҳнинг розилигига эришади, балки бу дунёдаги ҳаётида ҳам кўп яхшиликларга мушарраф бўлади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Аллоҳ таоло қиёмат куни: “Менинг улуғлигим йўлида дўстлашганлар қани? Бугун, Менинг соямдан бошқа соя йўқ бўлган кунда уларга Ўз соямдан соя бераман”, деб айтади”, дедилар.

ЯШИРИНЧА ГАПЛАШИШ

Уч киши йиғилган жойда икки кишининг ўзаро шивирлашиб, хуфёна гаплашиши учинчи кишининг қалбига озор етказади. Одамлар сирли гапи бўлса, узр белгисини кўрсатиб, четроққа ўтгани маъқул. Ҳеч қачон бировнинг олдида яширинча гаплашмаслик керак.

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Уч киши бўлсангиз, икки киши учинчи кишининг олдида яширинча гаплашмасин! Чунки бу уни хафа қилади”, дедилар”.

ТУНДА ЁЛҒИЗ ЮРМАСЛИК ҲАҚИДА

Тунда авлоқ жойларда юриш киши ҳаётига хавф уйғотиши ва саломатлигига зарар келтириши



мумкин.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Агар одамлар ёлғизликда нима бўлишини билганида эди, йўловчи ҳеч қачон тунда ёлғиз юрмас эди”, дедилар.

УЙҚУДАН ОЛДИН ДУО ҚИЛИШ ҲАҚИДА

Уйқудан олдин тўшакни кўздан кечириб, қоқиб олиш ва дуо қилиб ётиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг фойдалари жуда кўп. Кун давомида тўшакка бирор зарар келтирувчи жондор кириб қолиши мумкин. Инсон бирдан ётиб олса, ана ўша жондор унга зиён келтириши муқаррар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Бирортангиз ухлашга ётса, тўшагининг ички томонини қоқсин. Чунки, унга нима ёпишганини билмайди. Сўнг: “Аллоҳумма! Бика вазоъту жанбий ва бика арфауҳ. Аллоҳумма! Ин амсакта нафсий, фағфир лаҳа. Ва ин арсалтаҳа, фаҳфазҳа бима таҳфазу биҳи ибаадакас солиҳийн”¹⁰, деб айтсин”, дедилар”.

¹⁰ Дуонинг маъноси: “Аллоҳим, ёнбошимни Сенинг ёрдаминг билан (тўшакка) қўйдим ва уни Сенинг ёрдаминг билан (ундан) кўтарурман. Аллоҳим, жонимни оладиган бўлсанг, уни мағфират қилгин. Агар уни қўйиб юборадиган бўлсанг, солиҳ бандаларингни асраганинг каби асрагин”.



УЙҚУДАН ТУРГАНДА НИМА ДЕЙИШ ҲАҚИДА

Ҳадислардан бирида уйқу ҳолати ўлимга тенглаштирилади. Шу боис ҳам киши уйғонганда, шукрона айтиб, дуо қилиши керак. Шунда ҳаёт катта неъмат эканини унутмаган банда сифатида Яратганга ёқадиган амал қилган бўлади.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уйғонсалар: **“Алҳамду лиллаҳиллазий аҳйаанаа баъда маа амаатанаа ва илайҳин нушуур”¹¹**, деб айтардилар.

ЧИРОЙЛИ ИСМ ҚЎЙИШ

Чиройли исм бу дунёда ҳам, охирада ҳам фойда беради. Шунинг учун инсон фарзандларга чиройли, маъноли исм қўйиши лозим.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Албатта, қиёмат куни исмингиз ва оталарингизнинг исми билан чақириласиз. Шундай экан, исмингизни чиройли қилинг”**, дедилар.

¹¹ Дуонинг маъноси: “Бизни ўлдиргандан кейин тирилтирган Аллоҳга ҳамду сано бўлсин. Қайтиш (фақат) Унгадир”.



САЛОМАТЛИК ВА БЎШ ВАҚТ ҲАҚИДА

Касал бўлишдан олдин саломатлик қадрига, машғул бўлиб қолишдан олдин бўш вақт қадрига етиш зарур. Соғ-саломат бўлиб, вақтни беҳуда кетказмай, илм ўрганиш, юртни обод қилишга ҳисса қўшиш улуғ амаллардан ҳисобланади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Саломатлик ва бўш вақт Аллоҳнинг икки буюк неъматидир. Инсонларнинг кўпи уларда алданиб қолади”**, дедилар.

ТИЛГА ЭҲТИЁТ БЎЛИШ ҲАҚИДА

Тилнинг ўзи юмшоқ бўлишига қарамай, бир зумда энг қаттиқ ва заҳарли нарсага айланиб қолиши мумкин. Уни яхши сўзларга ишлатиб, ёмон, ёлғон-яшиқ гаплардан сақлаш керак. Бошқаларга тили ва қўлидан озор етмайдиган кишининг исломи ҳамиша афзал бўлади.

Абдуллоҳ ибн Суфён отасидан ривоят қилади: **“Эй Аллоҳнинг Расули, менга исломдаги ҳеч ким сўрамайдиган бир амал ҳақида хабар беринг”**, дедим. У зот: **“Аллоҳга такво қил! Сўнг – тўғри бўл!”** дедилар. **“Яна нима?”** дедим. Шунда у зот



тилларига ишора қилдилар”.

Изоҳ: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тилларига ишора қилишларидан мусулмон киши тилини ҳар хил гап-сўзлардан, ёлғондан эҳтиёт қилиши лозимлиги аён бўлади.

* * *

Жобирдан ривоят қилинади: “Эй Аллоҳнинг Расули, қайси ислом (қандай мусулмон) афзалроқ?” дейилди. У зот: “**Мусулмонлар тили ва қўлидан омонда бўлган киши(нинг исломи)**”, дедилар”.

СУКУТ САҚЛАШ ҲАҚИДА

Маҳмадоналик ҳеч қачон ҳеч кимга ёқмаган. Чин мўмин зарур бўлмаган пайти бекорчи гапларни айтишдан ўзини тийгани, айниқса, бефаросат ва аҳмоқ одам билан баҳс бошланиб қолгудек бўлса, сукут сақлагани маъқул.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “**Ким сукут сақласа, нажот топади**”, дедилар.

ҒИЙБАТ ҲАҚИДА

Ўзгаларни гийбат қилиш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди. Бировнинг ортидан менсимасдан, гараз билан, кулгу учун айтилган ҳар қандай сўз, албатта, ё гийбат, ё бўҳтон бўлади ва фақат эгасига зарар келтиради, холос.



Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга: “Ғийбат нима”, дейилди. У зот: **“Биродаринг ҳақида ёқтирмаган нарсасини айтишинг”**, дедилар. Шунда: “Агар биродаримда мен айтган нарса бор бўлса-чи?” дейилди. У зот: **“Айтганинг унда бор бўлса, ғийбат қилган бўласан, аммо бўлмаса, бўҳтон қилган бўласан”**, дедилар.

БЕМОРЛИК ҲАМ НЕЪМАТ ЭКАНИ ҲАҚИДА

Дарҳақиқат, инсон ҳаётида турли касаллик, гамташвишларга дуч келганда, қалбини Аллоҳ таолога боғлаб, дуо ва истиғфorni ўзига одат қилган бўлса, бу унинг хато ва гуноҳларига каффорат бўлади. Даражаси баланд бўлади ва кўп ажру савоб олади. Шу маънода, мўмин кишига етган дард ҳам унинг учун неъматдир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Бир мусулмоннинг жисм-танига бало етса, Аллоҳ унинг амалларини ёзувчи фаришталарга: “Модомики бандам Менинг арқонимда тутиб турилар экан (беморлик сабабли амал қилишдан тўсилар экан), ҳар кеча-кундуз олдин қилган хайрли амаллари мислича (савоб) ёзинг”, деб буюради”**, дедилар.

* * *





Абдуллоҳ (ибн Масъуд)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кирдим, у зот иситмалаётган эканлар. Қўлимни у зот(нинг кўксилари)га қўйиб: “Эй Аллоҳнинг Расули, сизни жудаям қаттиқ иситма тутади-я?” дедим. У зот: “**Мен худди сиздан икки киши иситма қилганчалик иситмайман**”, дедилар. Мен: “Бу сизга икки ажр бўлиши учунми?” дедим. У зот: “**Ҳа, ҳеч бир мусулмон йўқки, унга бирор азият – касалликми, бошқасими – етганда, ёмонликлари худди дарахт барглари тўкилганидек тўкилмаса**”, дедилар.

САЛОВАТНИНГ ФАЗИЛАТИ

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга саловат айтиши зоят фазилатли амалдир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда бундай марҳамат қилади: “Албатта, Аллоҳ ва Унинг фаришталари Пайгамбарга саловат айтурлар. Эй мўминлар! Сиз ҳам унга саловат ва салом айтингиз!” (Аҳзоб сураси, 56-оят).

Аллоҳ таоло ва фаришталарнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга саловат айтиши, шунингдек, Аллоҳ таоло мўминларга Набий алайҳиссаломга саловат айтишни буюриши бу ишнинг нақадар фазилатли ва савобли амал эканидан далолат беради.



Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Ким менга бир марта саловат айтса, Аллоҳ унга ўн марта саловат айтади”**, дедилар.

МЎМИНГА ҲАР БИР НАРСАДА АЖР БОР

Аллоҳ таоло мўмин бандаларини ҳар қандай вазиятда ҳам яхшиликлар билан сийлаб қўяди. Мўминларни доимо Раббининг неъматлари қуршаб туради. Мўминнинг дунёдаги ҳолати ажойиб. Бир яхшилик етса, шуқр қилади ва бу унинг учун савобдир, бир мусибат етса, сабр қилади, бу ҳам унинг учун савобдир. Бундай имкониятга фақат мўминларгина муяссардир.

Суҳайбдан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам биз билан ўтирганларида тўсатдан кулиб юбордилар. Сўнг: **“Нима учун кулганимни сўрамайсиз?”** дедилар. Улар (саҳобалар): “Нима учун куляпсиз?” деди. Шунда: **“Мўминнинг ҳар бир иши ўзи учун хайрли бўлишига ажабланиб (кулдим). Ўзи ёқтирган нарса етса (насиб этса), Аллоҳга ҳамд айтади, бу унинг учун хайрли бўлади. Ёқтирмагани етса, сабр қилади, бу ҳам унинг учун хайрли бўлади. Фақатгина мўмин кишининг ҳар бир қилган ишида ўзи учун хайр бордир”**, дедилар.



ДУНЁГА МЕҲР ҚЎЙИШ

*“Дунёга меҳр қўйиш” деганда, Аллоҳни унутиб, молу давлатга ҳирс қўйган, будунёсини дебоҳиратини тарк этган кишининг феъли тушунилади. Бу билан бой бўлиш мумкин эмас экан, деган тушунчага бормаслик керак. Аллоҳ таоло Қуръони каримда **“Ва Аллоҳ сенга берган нарса билан охиратни излагин, бу дунёдаги насибангни ҳам унутма. Аллоҳ сенга яхшилик қилганидек, сен ҳам яхшилик қил. Ер юзида бузғунчиликни излама. Албатта, Аллоҳ бузғунчиларни суймас”**, дейди (Қасас сураси, 77-оят).*

Анасан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитар эдим. Лекин у зотга нозил қилинган нарсами (яъни, оятми) ёки ўзлари айтган нарсами, билмайман. У зот: **“Агар Одам боласининг икки водий мол-дунёси бўлса, учинчисини истайди. Одам боласининг қорнини фақатгина тупроқ тўлдиради. Аллоҳ тавба қилганнинг тавбасини қабул қилади”**, деб айтардилар”.



ТОҒЧАЛИК ГУНОҲИ БЎЛСА ҲАМ КЕЧИРИЛАДИМИ?

Аллоҳ таоло шунчаки инсонни азизу мукаррам қилиб яратиб қўймаган, балки унга хатоларини тузатиш, гуноҳларидан фориғ бўлиш йўлларини ҳам кўрсатган. Зеро, инсон борки, айбу нуқсон, гуноҳлардан холи бўлмайди. Шу боис инсон гуноҳ ва хатоларидан хулоса чиқариши, чин дилдан тавба қилиб, яхши амалларни бажаришга одатланиши лозим. Одам алайҳиссалом ҳам хато қилгандан сўнг тавба-тазарру орқали Аллоҳ таолонинг мағфиратига эришган. Шу боис тавбага юзланиш, гуноҳлар учун истиғфор айтиш инсонга фарз қилинган азалий ҳукмдир. Гуноҳларни кечирмоқ эса Аллоҳ таолога хос сифатдир. Ҳадиси қудсийда Аллоҳ таоло: “Улуглигим ва буюклигимга қасамки, то руҳи танасида экан, бандаларимга тавба эшиги очиқдир”, деган.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Рабби азза ва жалладан ривоят қиладилар: “(Аллоҳ таоло) **Эй Одам фарзанди, мудом Менга илтижо қилар ва Мендан умид қилар экансан, нима қилган бўлсанг ҳам** (қандай катта гуноҳ бўлишидан қатъи назар) **кечираман. Эй Одам фарзанди, агар Менинг хузуримга ер юзичалик гуноҳ билан келсангу**



Менга ҳеч нарсани шерик қилмаган ҳолда йўлиқсанг, Мен сенга ер юзичалик мағфират билан рўбарў бўламан. Эй Одам фарзанди, агар гуноҳларинг осмондаги булутларга қадар етиб борса ва Мендан мағфират сўрасанг, (қандай катта гуноҳлигидан қатъи назар) мағфират қиламан”, деб айтди”.

МЎМИН ҚАЙТА-ҚАЙТА АЛДАНМАЙДИ

Комил мўмин эҳтиёткор, зийрак, оғоҳ ва ўтқир фаросатли бўлиб, қайта-қайта алданмайди. Мўмин хулоса чиқармайдиган, лоқайд, бепарво бўлмайди. Кишининг ўз хатосидан хулоса чиқармаслиги ва такрорлаши ҳам унинг шайтонга қайта-қайта алданишини билдиради.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: **“Мўмин бир уя (ин)дан икки марта чақилмайди”**, дедилар.

БОШИГА КЎП МУСИБАТ ТУШГАНЛАР ҲАҚИДА

Нафс синов билан покланади, балолар мардларни намоён қилади. Ибн Жавзий айтади: “Ким бошига синовлар тушмасдан офият ва саломатлиги бардавом бўлишини истаса, демак, намукаллафликни билибди ва на исломни тушунибди”. Ҳеч бир инсон,



алам-оғриқларга дучор бўлмай қолмайди. Умрини неъматлар ва синовлар гирдобидида ўтказди. Аммо чин мўмин мусибатларни сабр билан ўтказгани учун унга икки дунёда буюк ажр-мукофотлар хушxabари берилган. Бу ҳақда Аллоҳ таоло бундай дейди: **“Албатта сизларни хавфу хатар, очлик, молу жон ва мева-чеваларни камайтириш каби нарсалар билан имтиҳон қиламиз. Бирор мусибат келганда: “Албатта биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз У Зотга қайтгувчилармиз”, дейдиган собирларга хушxabар беринг”** (Бақара сураси, 155-оят).

Саъд (ибн Абу Ваққос)дан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан: “Қандай инсонлар энг қаттиқ синовга учрайди?” деб сўралди. У зот: **“Пайғамбарлар, кейин уларга ўхшаш (солиҳ)лар, сўнг яна уларга ўхшаш (солиҳ)лар. Киши дини (эътиқодининг ҳолати)га қараб имтиҳон қилинади. Агар динида салобат (собитлик) бўлса, синови ҳам зиёда қилинади. Агар динида енгиллик (заифлик) бўлса, синови ҳам енгил қилинади. Бандага синовлар келаверганидан охир-оқибат Ер юзида хатоси қолмаган ҳолда юради”**, дедилар.



ЯХШИЛИК БЕҲУДА КЕТМАСЛИГИ ҲАҚИДА

Исломда яхши амаллар савобли ишлар деб юритилади. Мўмин инсон доимо савобли амаллар қилишга интилиб яшайди, Аллоҳ таолонинг розилигига эришишга ҳаракат қилади. Ниятига яраша унинг қилган ҳар бир яхши амалига ўн баробардан етти юз баробаргача савоб ёзилади.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ўз Рабби азза ва жалладан ривоят қилдилар: **“Албатта, Раббингиз Меҳрибондир. Ким бир яхшилик қилишни ният қилса-ю уни амалга оширмаса, унга бир яхшилик ёзиб қўйилади. Амалга оширса, унга ўнтадан етти юз баробаригача, ундан ҳам бир неча ҳисса кўп қилиб яхшилик ёзилади. Ким бир ёмонликни ният қилиб, уни амалга оширмаса, унга бир яхшилик ёзиб қўйилади. Амалга оширса, унга бир ёмонлик ёзиб қўйилади ёки (Аллоҳ) уни ўчиради (яъни, бандасининг гуноҳларини ўчирса ўчирадими, яхшиликларини кўпайтиргани каби кўпайтирмайди). Аллоҳ фақат ҳалок бўлувчинигина (яъни, ҳалок бўлишга арзийдиган кишинигина) ҳалок қилади”**, дедилар”.



ЯХШИЛИК ВА ЁМОНЛИК ҲАҚИДА

Яхшилик зоят муҳим фазилат бўлиб, инсоннинг асл ва азалий фитратини англатади. Инсонга руҳий лаззат бағишлаши баробарида, уни комил шахсга айлантириб, ҳақиқий саодатга элтади. Ёмонлик – яхшиликнинг зидди, шахс ва жамият тараққиётига тўсқинлик қилувчи иллат.

Наввос ибн Самъондан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламдан яхшилик ва ёмонлик ҳақида сўрадим. Шунда у зот: **“Яхшилик гўзал хулқдир. Ёмонлик кўнглингга таъсир қилаётган ва одамлар уни билиб қолишини истамаган нарсангдир”**, дедилар”.

ҲУСНИ ХУЛҚ ҲАҚИДА

*Ислom динининг асл моҳияти инсониятни гўзал хулқу одобга чорлаш бўлиб, бу ҳақда Пайгамбаримиз соллalloҳу алайҳи васаллам: **“Олий хулқларни камолга етказмоқ учун юборилдим”**, деганлар. Ислom одамзотни инсоний фазилатлар эгаси қилиб тарбиялаш учун нозил қилинган. Қиёматда мўмин кишининг тарозусида гўзал хулқдан оғирроқ савоб бўлмайди.*



Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: **“Қаерда бўлсанг ҳам Аллоҳга тақво қил. Ёмонлик қилган бўлсанг, ундан сўнг яхшилик қилиб қўй (ёмонлигингни ўчиради). Одамларга ҳусни хулқ билан муомала қил”**, дедилар.

* * *

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: **“Мўминларнинг комил имонлиси хулқи яхшироғидир”**, дедилар.

МУЛОЙИМЛИК ҲАҚИДА

Мулойимлик набавий ахлоқнинг энг фазилатли бир тури бўлиб, мўминнинг гўзал хислатлари сирасига киради. Аллоҳ таоло ҳар бир ишда – у қандай иш бўлишидан қатъи назар – мулойимлик устувор бўлишини яхши кўради. Фақат намозда, яхшилик қилганда, хуш кайфиятда бўлганда ёки одамлар орасида (истиҳола туфайли) мулойим бўлиш кифоя эмас, балки ҳар қандай вазиятда, ҳар қандай ишда шундай қолиш керак.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: **“Аллоҳ мулойимдир, мулойимликни яхши кўради. Қўполлик учун бермайдиган савобни мулойимликка беради”**, дедилар.



ҲАЙВОНЛАРГА РАҲМЛИ БЎЛИШ

Динимизда ҳайвонларга муносабат билан боғлиқ асл қоидалардан бири уларга раҳм-шафқат кўрсатишидир! Айниқса, оч қолган кўча ҳайвонларига кўпроқ меҳр бериш керак. Чанқазган итга қудуқдан сув олиб берган кишини Аллоҳ таоло мағфират қилгани тўғрисидаги ривоят кўпчиликка яхши маълум (Имом Бухорий ривояти). Фатво китобларида, агар зарар етказмаса, ҳашоратларни ҳам ўлдириши мумкин эмаслиги зикр қилинган. Ҳайвонларга мана шундай муомала қилишга буюрган шариатимиз уларни уриштириб қийнаш, ўлдириш ва азоблашдан қайтаради.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Бир аёл мушук сабабли дўзахга кирди. Шунда унга: “Сен уни таомлантирмадинг, сув ҳам бермадинг. Сен уни ер ҳашоратларидан ейишга ҳам қўймадинг”, дейилади”, дедилар.

Изоҳ: Демак, жониворларга озор бериш, уларга зулм қилиш катта гуноҳга сабаб бўлар экан. Чунки, қиёмат куни инсонлар тўпланиб турган вақтда жами ҳайвонлар олиб келиниб, улар орасида ҳукм қилинади. Шохли қўчқордан шохсиз қўчқорнинг ўчи олиб берилади, ҳаттоки майда чумолидан бошқа бир чумолининг қасоси олиб берилади. Бу эса ҳайвонлараро, шунингдек, ҳайвонлар билан инсонлар орасида ҳукм қилинишига далилдир. Инсон бирор ҳайвонни ноҳақ урса ёки ташна-оч қолдирса, тоқатидан ташқари нарсани юкласа, ўша ҳайвон қиёмат куни ундан қасос олади.



ҚУРЪОН ЎҚИГАН КИШИНИНГ ФАЗЛИ

Қуръони карим Аллоҳ таолонинг муборак Сўзи ўлароқ, қадри баланд, тиловати ибодат бўлган энг улуғ каломдир. Шунга кўра, уни ўрганиш, тарқатиш, маъноларини англаб етиш ва бошқаларга ўргатиш юксак фазилатлардан бўлиб, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам орқали бу шарафли амаллар учун Аллоҳ таолонинг алоҳида ажр-мукофотлари ваъда қилинган.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: **“Ичида Қуръондан бирор нарса бўлмаган киши(нинг қалби) хароб бўлган уйга ўхшайди”**, дедилар.

* * *

Абдуллоҳдан ривоят қилинади: “Бу Қуръон Аллоҳнинг зиёфатидир. Ундан имкониятингиз етганича олинг. Аллоҳнинг Китобидан бирор нарса бўлмаган уйда яхшиликдан бирор нарса борлигини билмайман. Аллоҳнинг Китобидан бирор нарса бўлмаган қалб худди ҳеч ким яшамагани туфайли нураб кетган уйдек вайрон бўлади”.

* * *

Ҳафс ибн Инон Ҳанафий сўзлаб берди: “Абу Ҳурайра: “Қуръон ўқиладиган хонадон ўз аҳлига кенг-фаровон бўлади. Унга фаришталар киради, уни шайтонлар ташлаб кетади ва хонадоннинг



яхшилиги кўпаяди. Қуръон ўқилмайдиган хонадон эса ўз аҳлига тор бўлади. Уни фаришталар ташлаб кетади, унга шайтонлар кириб келади ва яхшилиги камаяди”, деб айтар эди”.

* * *

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: “Энг яхшингиз Қуръонни ўрганган ва уни ўргатганингиздир”, дедилар.

УЧ БОР ИЗН СЎРАШ ҲАҚИДА

Аллоҳ таоло мўмин бандаларини одобли бўлишга чақиради. Шунга кўра, бирор манзилга кирмоқчи бўлганда, изн сўрашни амр этади. Рухсат сўраш пайти латифликка, манзил эгасига салом беришга чақиради. Чунки бу ўзаро меҳр ва самимият пайдо қилади. Шу билан бирга, изн сўраш ва салом бериш шубҳа ва ёмон мақсадни даф этади. Изн сўраш билан зиёратчи ҳурматли ва иззатли бўлади.

Абу Мусо Ашъарий Умардан (унинг ҳузурига кириш учун) уч марта изн сўради. Жавоб бўлмагач, ортига қайтди. У (Умар): “Сени нима ортга қайтарди?” деб сўради. У: “Мен Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг: **“Изн сўровчи уч марта изн сўрасин, изн берилса, кирсин, аксинча, ортига қайтсин”**, деганларини эшитганман”, деди.



САЛОМАТЛИК ТИЛАШ

Ҳаётдаги ажиб ҳолатлардан бири инсоннинг акса уришидир. Ўша пайти барча аъзолар, ҳатто юрак ҳам бир лаҳза тин олар экан. Акса уриш Аллоҳ таолога ҳам хуш келади, дейдилар. Унга ислом таълимотининг муносабати кўплаб ҳадиси шарифларда баён қилинган. Тумовдан бошқа вақтдаги акса одатда енгилик аломати бўлади. Яхшилик белгиси бўлгани туфайли акса урган киши Аллоҳга ҳамд айтиши керак бўлади. Бунга эшитганлар “Ярҳамукаллоҳ”, яъни Аллоҳ сизга раҳм қилсин, дейиши ислом одобларидан экан.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Акса урган киши “Алҳамду лиллаҳи ала кулли ҳаал (Ҳар қандай ҳолатда ҳам Аллоҳга ҳамд бўлсин)”, дейди. Ташмит айтадиган киши эса: “Ярҳамукумуллоҳ (Аллоҳ сизларга раҳм қилсин)”, дейди. У: “Яҳдийкумуллоҳу ва юслиҳ баалакум (Аллоҳ сизни ҳидоятга бошласин ва аҳволингизни яхшиласин)”, дейди”,** дедилар.

САФАР ДУОСИ

Киши сафарга отланар экан, қалбида муайян орзу-умидлар бўлади. Кўнглида сурур ва ҳаяжон,



шу билан бирга, хавфсираш ва замгинлик каби туйғулар пайдо бўлади. Бундай лаҳзаларда қалбга таскин берувчи бирдан-бир малҳам – бу Пайгамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мана бу ҳадисдаги покиза дуоларидир:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам сафарга чиқсалар: “Аллоҳим! Сендан сафарнинг машаққатидан, маҳзун бўлиб қайтишдан, зиёда бўлишдан сўнг камайишдан, мазлумнинг дуосидан (дуоибадидан)¹², аҳл ва молда ёмон суратда бўлишдан паноҳ сўрайман”, дер эдилар.

ЖАННАТГА КИРМАЙДИГАН КИШИ ҲАҚИДА

Шариатда бандани Аллоҳнинг розилигига етказиб, жаннатга элтувчи ишлар баён қилинганидек, У Зотнинг газабига мустаҳиқ қилиб, дўзахга етакловчи амаллар ҳам тўлиқ эълон қилинган. Ўз соҳибини Аллоҳнинг раҳматидан узоқлаштириб, дўзахга ташлайдиган амаллардан бири ҳаром емоқдир. Ҳаром ризқ – бу Аллоҳ таоло ҳаром қилган барча нарсалар ва бировнинг молини ноҳақ йўллар билан ўзлаштириб олиш орқали ейилган ризқдир.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Эй

¹² Чунки у билан Аллоҳ таоло ўртасида парда йўқ. Мазлумнинг дуоси ижобатдир.



Каъб ибн Ужра, ҳаромдан (еб) ўсган гўшт (тана) жаннатга кирмайди”, дедилар”.

АЛЛОҲ ТАОЛО ҲАҚИДА ЯХШИ ГУМОНДА БЎЛИШ

Мўмин киши доим Аллоҳ таоло ҳақида яхши гумонга бориши, У Зот ҳақида ёмон гумонлардан қалбини сақлаши зарур. Бошига бало келса, тушкунликка тушса ёки касаликка чалинса, маҳзун бўлмасдан, Аллоҳ таолодан нажот сўраб, илтижо қилиши лозим. Бу синовни У Зот томонидан бир раҳмат, айрим хатогуноҳларига каффорат деб қабул қилиши керак.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Аллоҳ таборака ва таоло: “Мен ҳақимда бандам қандай ўйласа, ўшандайман. Энди у Мен ҳақимда қандай ўйласа ўйлайверсин”, деди”, дедилар.

ФАҚАТ АМАЛЛАРГА СУЯНИБ ҚОЛМАСЛИК ҲАҚИДА

Банда ким бўлиши ва қандай ишлар қилишидан қатъи назар, амалига суяниб қолмаслиги керак. Бирор хато сабабли азобга учраш хавфи уни асло тарк этмасин. Чунки билмаган ҳолда балога гирифтор бўлиб қолиши мумкин. Шунингдек, банда ҳеч қачон умидсизликка тушмаслиги керак.



Аллоҳнинг мағфирати ва раҳмати чексиз. Хоҳласа, банданинг биргина яхши амали сабабли ҳидоят қилиб, жаннатига эриштириши ҳеч гап эмас. Қуръони каримда Аллоҳнинг раҳмати ва мағфирати зикр қилинган жойда У Зотнинг газаби ва азоби ҳам эслатилади. Қачон жаннат ҳақида гап кетса, дўзах ҳам тилга олинади. Мана шунинг ўзи бандага доимо Аллоҳнинг раҳматидан умидда ва азобидан хавфда бўлиш лозимлигини кўрсатади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Амалларда ўртача бўлинг ва билингки, бирортангизни амалларингиз кутқара олмайди”,** деганларида, саҳобалар: “Эй Аллоҳнинг Расули, сизни ҳамми?” деди. Шунда у зот: **“Мени ҳам, фақат Аллоҳнинг раҳмати ва фазли ўраб олсагина (кутқариламан)”**, дедилар.

ЯХШИ ВА ЁМОН ИНСОН ҲАҚИДА

Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам энг яхши инсон ва энг ёмон инсон қандай бўлишини айтиб бердилар. Узоқ умр кўриб, ҳаёти давомида солиҳ амалларни кўп-кўп бажариб борган киши инсонларнинг энг яхшиси бўлишини таъкидладилар. Узоқ умр кўришдек имкониятдан тўғри фойдаланмасдан бутун ҳаётини ёмонлик



билан ўтказган киши энг ёмон одам эканини айтдилар. Пайғамбаримиз ушбу қисқа жавоблари билан инсон ҳаётининг мазмунини белгилаб бердилар.

Бир киши: “Эй Аллоҳнинг Расули, инсонларнинг қайси бири яхши?” деди. У зот: **“Умри узун ва амали солиҳ бўлган киши”**, дедилар. У: “Инсонларнинг қайси бири ёмон?” деди. У зот: **“Умри узун ва амали ёмон бўлган киши”**, дедилар.

РАСУЛУЛЛОҲНИНГ ҚАЙТАРИҚЛАРИДАН

Исломда қайтарилган амаллар “манҳиёт” дейлиб, улар “ҳаром” ва “макруҳ”га бўлинади. Шариатда жуда қаттиқ қайтарилган, қилиш мутлақо дуруст бўлмаган амаллар ҳаром амаллардир. Гуноҳ бўлишидан қўрқиб, уни қилмаган киши савобга эга бўлади.

Муғййрадан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қизларни тириклай кўмишдан, оналарга оқ бўлишдан, бериш лозим бўлган нарсани ман қилиш ва ман қилинганни олишдан, қийлу-қолдан (мишмишга берилишдан), кўп савол беришдан ва молни зое кетказишдан қайтардилар”.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Сунани Доримий.....	6
Илмнинг фазилати.....	9
Фойдали илм ҳақида.....	11
Илмни ёзиш билан мустаҳкамлаш.....	12
Фатво беришда эҳтиёт бўлиш.....	12
Олимларга эргашиш.....	13
Яхши ёки ёмон одат қолдирган киши ҳақида.....	14
Қиёматда нималардан сўралиши ҳақида.....	15
Нозик одоблар.....	16
Мисвок оғизни поклайди.....	18
Қабул бўлмайдиган эҳсон.....	18
Нопоклик азобга сабаб бўлади.....	19
Хатоларни нима ўчиради?.....	20
Масжидул ҳаром ва Масжидун набавийнинг фазилатлари.....	21
Жума кунининг фазилати.....	21
Ҳайит кунлари қилинадиган амаллар.....	22
Садақанинг яхшиси.....	23
Оиласига нафақа бериш ҳақида.....	24
Кўп фойда топишни истаган киши нима қилиши кераклиги ҳақида.....	25
Таомланиш одоби ҳақида.....	26
Чақирилган жойга боринг!.....	28
Дин насиҳатдир.....	29
Мўмин учун лозим бўлган амаллар.....	29
Таомнинг ёмони.....	31

Меъёрида овқатланиш.....	31
Зайтун ёғининг фазилати.....	33
Хурмонинг фазилати.....	33
Таомдан сўнг қўл ювиш ҳақида.....	34
Дехқончилик ва боғдорчиликка барака сўраб дуо қилиш..	34
Рўза тутишнинг фазилати.....	36
Эҳсоннинг фазилати.....	36
Чегарани қўриқлаш фазилати.....	37
Дўст ва қўшнининг яхшилари ҳақида.....	38
Ким хиёнат қилса.....	39
Расулуллоҳнинг гўзал сифатлари.....	40
Ўтганларни фақат яхши гап билан эслаш ҳақида.....	41
Зулмдан эҳтиёт бўлинг!.....	41
Турли фирқаларга эргашишдан эҳтиёт бўлинг!.....	42
Итоат ва жамоатни лозим тутиш ҳақида.....	43
Ҳалол ҳам, ҳаром ҳам аниқдир.....	43
Поклик ҳақида.....	44
Яхшилик ва гуноҳ ҳақида.....	46
Касби билан топгани ҳақида.....	47
Тижорат ҳақида.....	47
Савдода алдаш ва яшириш йўқ.....	48
Эҳтикор – кундалик истеъмол маҳсулотларини сотмай, қиммат бўлишини кутиб сақлаб туриш ҳақида.....	49
Сахийлик ҳақида.....	50
Қийналган қарздорга ёрдам бериш.....	51
Қарзни тўлаш лозимлиги ҳақида.....	52
Олинган нарсани қайтариш ҳақида.....	53
Ободонлаштириш ҳақида.....	53
Одоб жаннатга етаклайди.....	55
Одамларнинг бир-биридаги ҳақлари.....	55

Саломнинг фазилати ҳақида.....	56
Ким кимга салом берилади?.....	57
Болаларга салом бериш ҳақида.....	57
Аёлларга салом бериш ҳақида.....	58
Аёлларнинг ҳузурига рухсатсиз кирилмайди.....	58
Кимлар лаънатланган?.....	59
Жамоатда ўзгаларга эҳтиром кўрсатиш ҳақида.....	59
Кўчанинг ҳаққи.....	60
Аллоҳ йўлида дўстлашганлар.....	60
Яширинча гаплашиш.....	61
Тунда ёлғиз юрмаслик ҳақида.....	61
Уйқудан олдин дуо қилиш ҳақида.....	62
Уйқудан турганда нима дейиш ҳақида.....	63
Чиройли исм қўйиш.....	63
Саломатлик ва бўш вақт ҳақида.....	64
Тилга эҳтиёт бўлиш ҳақида.....	64
Сукут сақлаш ҳақида.....	65
Ғийбат ҳақида.....	65
Беморлик ҳам неъмат экани ҳақида.....	66
Саловатнинг фазилати.....	67
Мўминга ҳар бир нарсада ажр бор.....	68
Дунёга меҳр қўйиш.....	69
Тоғчалик гуноҳи бўлса ҳам кечириладими?.....	70
Мўмин қайта-қайта алданмайди.....	71
Бошига кўп мусибат тушганлар ҳақида.....	71
Яхшилик беҳуда кетмаслиги ҳақида.....	73
Яхшилик ва ёмонлик ҳақида.....	74
Хусни хулқ ҳақида.....	74
Мулойимлик ҳақида.....	75
Ҳайвонларга раҳмли бўлиш.....	76

Қуръон ўқиган кишининг фазли.....	77
Уч бор изн сўраш ҳақида.....	78
Саломатлик тилаш.....	79
Сафар дуоси.....	79
Жаннатга кирмайдиган киши ҳақида.....	80
Аллоҳ таоло ҳақида яхши гумонда бўлиш.....	81
Фақат амалларга суяниб қолмаслик ҳақида.....	81
Яхши ва ёмон инсон ҳақида.....	82
Расулуллоҳнинг қайтариқларидан.....	83

Диний-маърифий нашр

**«СУНАНИ ДОРИМИЙ»
КИТОБИДАН
ДУРДОНА ҲАДИСЛАР**

“Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази”
нашриёти – 2023. 88 бет.

МУҲАРРИР:

Анвар Бобоев

САҲИФАЛОВЧИ-ДИЗАЙНЕР:

Муҳаммадиқбол Шукуров

Нашриёт лицензияси: АА № 0010 / 06.05.2019 й.

Босишга рухсат этилди: 30.10.2023 й.

Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84 $\frac{1}{16}$

“Times New Roman” гарнитураси. Офсет босма усули.

Босма табағи 5,5. Адади: 150 нусха. Буюртма 30-10.

Баҳоси келишилган нарҳда.

141306, Самарқанд вилояти Пайариқ тумани,
Хўжа Исмоил шаҳарчаси. Тел.: (0366) 240-20-19.